O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV. №

## Ислом КАРИМОВ:
## ЯНГИ – 2004 ЙИЛНИ МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТМОҚЧИМАН

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 6-DEKABR ■ SHANBA ■ 143-144 (27.164) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# КОНСТИТУЦИЯ – ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ





Анъанага кўра, бу йил ҳам 5 декабрда Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Олий суд раиси Ф.Муҳиддинова Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борсагина халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаоларига тезроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқаро майдонда ортиб бориши замирида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндашиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мана, неча йилдирки, юртимиз янги йилни янги бир хайрли ном билан қарши олади. Бундай номлар замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги мужассам.

Юртбошимиз истиқлол йилларида турли номлар билан эълон қилинган йиллар ўртасида мантиқий асос, ўзаро узвийлик мавжудлигига эътиборни қаратди.

Ўтиб бораётган Обод маҳалла йилида юртимизнинг ҳар бир гўшаси янада ободонлашди, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари тағинда мустаҳкамланди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур маҳаллаларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Президентимиз кириб келаётган 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари билан маъқулланди.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз, — деди Юртбошимиз.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

**Суратларда:** тадбирдан лавҳалар.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали барча халқимизни Конституциямизнинг ўн бир йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар йили бу қутлуғ санани пойтахтимиз Тошкентда, вилоят ва шаҳарларимизда, бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз. Шу муносабат билан Асосий қонунимизнинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти, унинг олдимизга қўяётган вазифалари ҳақида сўз юритамиз. Ҳозиргина Олий Суд раиси Фарруҳа Муҳиддинованинг мазмунли маърузасида баён этилган фикрларга қўшилган ҳолда, рухсатингиз билан, мен ҳам ўзимнинг Конституциямизга алоқадор баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Мана, 11 йилким, биз ҳаётимизнинг Асосий қомуси бўлмиш, яъни давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини муҳрлаб берувчи Конституциямиз асосида яшаб келмоқдамиз. Мана, 11 йилким, Конституциямизда зикр этилган мақсад ва муддаоларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида том маънода белимизни қаттиқ боғлаб меҳнат қилмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бугун мана шу давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, эришган натижа ва марраларимизни Конституциямиз олдимизга қўйган мақсадлар билан қиёслаб-таққослаб, тегишли хулосалар чиқариш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Албатта, Конституциямиз ғояларини амалга оширишда қўлга киритган ютуқларимиз, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимиздаги ҳали-бери ечилмаган муаммо ва нуқсонлар, олдимизда турган тўсиқ ва ғовлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритиш, уларни бартараф этиш ҳақида бош қотириш кераклигини уқтириб ўтмоқчиман.

Нега деганда, биз ўз фаолиятимизга танқидий, холисона баҳо бермас эканмиз, то ҳануз йўлимизда дуч келаётган нуқсон ва камчиликларни тан олмас эканмиз, уларни ечишга четдан келиб ҳеч ким ёрдам бермайди. Бу аччиқ ҳақиқатни барчамиз ўз ҳаётимизда, ўз мисолимизда кўрдик ва кўрмоқдамиз.

Содда қилиб айтганда, шуни яхши тушуниб олиш керакки, ютуғимиз ҳам, камчилигимиз ҳам фақат ўзимизники. Бу камчиликларнинг, ҳаётимизда ҳамон учраётган қийинчилик ва етишмовчиликларнинг пайдо бўлишига аввало ўзимиз сабабчимиз ва уларни бартараф этиш учун ҳам ўзимиз жавобгармиз.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўз кучимизга, ақл-заковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган ҳолда, айни пайтда демократик эркин дунё эришган ютуқларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлни танладик ва бу сиёсатни қатъиятлик билан олиб бормоқдамиз.

Шу ўтган вақт мобайнида қанча-қанча суронли кунларга дуч келмадик, ҳаётнинг ўзи бизларни не-не синовлардан ўтказмади. Ва бугун ҳам — буни очиқ айтиш керак — дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда давом этаётган нотинчлик, халқаро майдонда терроризм хатари кучайиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, биз қандай таҳликали, ўта хавфли замонда яшаётганимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Мана шундай вазиятда элюртимизни эсон-омон, осмонимизни мусаффо сақлаш, ўз танлаган тараққиёт йўлимиздан оғишмай олдинга юриш нақадар оғир ва мураккаб вазифа экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман.

Шу минбардан туриб бугунги кунимиз, келгуси авлодларимиз олдида ўз масъулиятимизни чуқур сезган, англаган ҳолда, бир ҳақиқатни қатъиятлик билан таъкидламоқчиман: биз ҳеч кимга тобе бўлмасдан, турли сиёсий ўйинлар гирдобига тушмасдан, ўз миллий манфаатимизга жавоб берадиган мустақил сиёсатни давом эттирамиз. Агар баъзиларга ўхшаб, кимнингдир етовида кўр-кўрона юрадиган бўлсак, тақдиримизни ҳал қилувчи масалалар бўйича узоқни кўзламасдан, енгил-елпи қарорлар қабул қилсак, ўйлайманки, бундай сиёсатнинг умри қисқа бўлади. Ва бундай йўл охир-оқибатда келажагимизга зиён етказиши, оғир пушаймонликка олиб келиши муқаррар.

Биз яхши биламиз ва жаҳон тарихи ҳам шундан далолат берадики, ўз миллий анъаналари, қадриятлари ва томирларидан узилмаган, ўз қадр-қиммати ва ғурурини сақлай оладиган давлат ва миллат ўз мурод-мақсадига етади.

(Давоми 2-бетда.)

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Улуғ байрам, катта шодиёна катта туҳфалари билан гўзал. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида Президентмиз Ислом Каримовнинг Фармонлари билан мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз ободлиги ва эл фаровонлигига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ ватандошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Ҳаммангизга маълумки, Конституция байрами арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган юртдошларимизни қутлаб, уларга ана шу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши бир анъанага айланиб қолди, — деди Президентимиз.

Бугун мен мана шу муҳташам залга тўпланган сиз, азизларимни, сизлар орқали давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланган барча ватандошларимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз касбини улуғлаб, ўз соҳасида қўлга киритаётган улкан ютуқлари, ҳаётий тажриба ва олижаноб фазилатлари билан бутун халқимиз, айниқса, ёш авлодимизга ибрат ва намуна бўлиб келаётган юртимиз фидойиларини кўрамиз.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз, авваламбор, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий нишон соҳиби бўлган миришкор ва саховатли фермер Аҳмад Нарзуллоев, уста пахтакор Аваз Эргашев, заҳматкаш чўпон Серикбой Сагатов, пўлат эритувчи Абдураҳмон Абдураззоқов, театр санъатимизнинг ёркин намояндаси Зикир Муҳаммаджонов, қорақалпоқ элининг куйчиси, таниқли адиб Тўлепберген Қаипбергенов каби янги қаҳрамонларимизни табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига ривож, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Бугунги тантанали маросимда ўзининг ибратли ҳаёти, бебаҳо илмий ва ижодий мероси билан мамлакатимиз илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс хизмат қилган, бутун умрини эл-юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида бағишлаган марҳум ватандошларимизни эслаш ва қадрлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу маънода, машҳур файласуф, жасоратли инсон Иброҳим Мўминов, қишлоқ хўжалиги фанининг етук намояндалари Рихард Шредер ва Маҳмуд Мирзаев, юрак жарроҳлиги соҳасида ўз мактабини яратган Восит Воҳидов каби буюк олимларимизни, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам замондош ва шогирдларига ибрат бўлган Шуҳрат ва Асқад Мухтордек мумтоз адибларимиз, маданиятимиз тарихига номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедов, Толибжон Содиқов сингари ўлмас сиймоларнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганини дунёда Ватан ва халқ олдидаги хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини яна бир карра исботлайди.

Бугун мен мана шу залга жам бўлган инсонлар тимсолида кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларини, ўз ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган устоз-мураббийларни, халқимиз салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш учун самарали меҳнат қилаётган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндаларини кўриб турганимдан беҳисоб хурсандман.

Бугун сизларнинг орангизда ҳозирги таҳликали замонда осмонимизни мусаффо сақлашга, юртимизни ҳар қандай таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган, хавфсизлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраб келаётган мард ва жасур ўғлонларимиз, ҳарбийларимиз борлиги, албатта, барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бугун мана шу даврамизда ўтирган, ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган сиз — навқирон авлод вакиллари, Ўзбекистонимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган спортчи ёшларимизни қутлаш менга катта мамнуният етказади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг тимсолингизда барча спортчиларимизга келгуси йили Афинада бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун-эрта барча вилоятларимизда, меҳнат жамоаларида ҳам мукофотларни топширишга бағишланган мана шундай шодиёна маросимлар бўлиб ўтади, — деди Президентимиз.

(Давоми 2-бетда.)

# МАҲАЛЛА — МЕҲРУ ОҚИБАТ, ТАРБИЯ МАСКАНИ

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорликда «Обод маҳалла йили» Давлат дастурига мувофиқ «Обод маҳалланинг мазмун ва моҳиятини ҳамда миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли» республика кўрик-танловини ўтказдилар. Ундан кўзланган мақсад, халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизм оқими, гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактик ишларни янада яхшилаш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйиш каби долзарб вазифаларни ҳал этиш эди.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур танловнинг якуний республика босқичи бўлиб ўтди. Танлов якунига кўра, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласи оқсоқоли Эркин Худойбердиев, Наманган вилояти, Наманган шаҳри «Гулбоғ» маҳалласи раиси Минаввар Дадахонова ва Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри Акмал Икромов номли маҳалла оқсоқоли Ҳакимжон Умаровлар 1-ўринга муносиб деб топилиб, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Мукофотларни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, танлов Ҳайъатининг раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова ҳамда Республика маҳалла хайрия жамғармаси раиси Аъзамжон Ғадайбоевлар топширди. Шунингдек, II, III ўринни эгаллаганларга ҳам фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Бундан ташқари маҳаллалар ишида энг фаол қатнашган маҳалла фахрийси, оқсоқол, котиб, посбон ва сардорлар, педагог-тарбиячилар ҳамда фуқаролик йиғинлари профилактика нозирларидан етмишга яқини рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирландилар.

— Бу эътироф бутун маҳалламиз учун берилган мукофотдир, — дейди ҳаяжонини яширолмай пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласи оқсоқоли Эркин Худойбердиев. — Маҳалламизда болалар спортига ҳам катта эътибор берилмоқда. Яқиндагина «Ўзбекистон овози» газетаси ҳомийлигида маҳалламиз ҳудудидаги ташландиқ ерда қурилган «Болалар спорт соғломлаштириш комплекси»ни фойдаланишга топширдик. Эндиликда бу ерда минглаб фарзандларимиз спортнинг бир неча тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Шуни ҳам айтиш керакки, шу йилнинг август ойида маҳалла педагог-тарбиячилари иштирокида тажриба алмашиш мақсадида маҳалламизда шаҳар миқёсида семинар ҳам ўтказдик.

Ҳа, ўзбек маҳалласи яхшини бағрига олиб элга танитадиган, ёмонни тарбиялаб тўғри йўлга соладиган бир гўшадир. У инсофу диёнатдан, меҳру оқибатдан сабоқ берувчи, керак бўлса терғаб тарбияга чақирувчи, лозим топса бошини силаб мурувват кўрсатиб, элга танитувчи улуғ маскандир.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

# КОНСТИТУЦИЯ — ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Шу маънода, Конституция тамойилларига асосланган ички ва ташқи сиёсатимиз мана шу давр мобайнида ҳар томонлама ҳаёт синовидан ўтди. Ҳатто бизни хуш кўрмайдиган айрим сиёсатчи ва таҳлилчилар ҳам бу йўлнинг тўғри эканини тан олди ва бу сиёсат бугун ўзининг ижобий натижалари ва ҳосилини бермоқда.

Бунинг исботини ҳаётимизнинг барча босқич ва соҳаларида — бу давлатимиз ва жамиятимиз сиёсий-ижтимоий тизимининг янгича, халқаро демократик асосларда шаклланиши бўладими, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш модели бўладими, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир Қуролли Кучларни барпо этиш бўладими, халқаро майдондаги обрў-эътиборимизнинг юксалиши, халқимизга куч-қувват берадиган миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш жараёнлари бўладими — биз танлаган йўл ва ислоҳотларнинг самарасини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг, аввало, етакчи соҳаларнинг таркиби тубдан ўзгариши, янги-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг пайдо бўлиши, рақобатга бардошли маҳсулот ҳажми ва экспорт салоҳиятининг ўсиши, миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувига эришганимиз ва унинг тобора мустаҳкамланиб бориши, нарх-навонинг жиловланиши, умуман, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши — буларнинг барчаси аввалambор халқимизнинг ҳаёт даражасига ижобий таъсир ўтказаётгани ҳақида гапиришга бугун тўлиқ асос бор.

Хабарингиз бор, яқинда матбуотда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро Болалар ташкилоти бўлмиш ЮНИСЕФнинг 2003 йил ижтимоий мониторинги натижалари эълон қилинди. Холис ва аниқ далилларга асосланган ушбу ҳужжатда юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман, инсон ҳаётини ҳимоялаш ва қадрига етиш йўлида биз қўлга киритаётган ютуқларнинг эътироф этилиши ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, одамларимиз онгу тафаккури, маънавий дунёсининг замонга мос равишда ўзгариб бораётгани юртимиздаги янгиланишлар жараёнининг энг муҳим белги-аломатидир, десак, асло хато бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай жамият ривожи учун моддий асослар зарур. Бусиз бугунги тараққиётни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, инсоният ҳаёти учун маънавий асослар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда таълим-тарбия, билим ва тафаккур бугунги кунда етакчи ва ҳал қилувчи ўринга қўйилмоқда. Миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Агар мендан, бугун биз қандай энг муҳим ва устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз керак, деб сўраса, мен бу борада кейинги йилларда ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётган масалаларни алоҳида кўрсатган бўлардим.

Лўнда қилиб айтганда, ташқи сиёсат соҳасида узоқ-яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, аҳил бўлиб яшаш, дунёнинг етакчи давлатлари — у АҚШ ёки Европа Иттифоқи мамлакатлари бўладими, Россия ёки Хитой, Япония ёки Жанубий Корея бўладими — барчаси билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг куч-қудрати ва бизга бўлган хайрихоҳлигидан ўзаро манфаатли муносабатлар йўлида фойдаланишимиз лозим.

Ички сиёсатимиздаги энг муҳим йўналиш эса — бу ҳам жуда чуқур, принципиал аҳамиятга эга — ҳаётимизнинг барча жабҳаларини либераллаштириш, ўзбекча айтганда, эркинлаштириш ва яна бир бор эркинлаштиришдир.

Яъни, тараққиёт пойдевори бўлмиш иқтисодиёт соҳасига давлат аралашувини кескин камайтириш, хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, бозор муносабати тамойилларига сўзда эмас, амалда риоя қилиш, унинг қонуний кафолатларини ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Энг муҳими, ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракатига кенг имкониятлар очиб бериш. Кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари, яъни ишнинг негизини биладиган одамлардан таркиб топган бу тоифа салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш.

Бугун мамлакат ялпи ички маҳсулотида уларнинг ҳиссаси учдан бир қисмни ташкил этаётган бўлса, яқин беш-ўн йил ичида бу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак.

Бу эса, ўз навбатида, кўп-кўп масалаларни, аввало, ишсизлик масаласини, қатор ижтимоий муаммоларни ечиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш имконини беради. Мухтасар қилиб айтганда, ташқи ва ички сиёсатимиз йўналишларини белгилаб берадиган бундай ёндашув пировард натижада — мен буни аниқ ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда айтмоқчиман — халқимиз ва келажак авлодларимизнинг эркин ва озод бўлиб, дунё ҳамжамияти билан тенг бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қадрли юртдошлар!

Барчангизга яхши маълум — кейинги йилларда юртимизда ҳар қайси йилга, сизлар билан маслаҳатлашган ҳолда, алоҳида ном бериш ўзига хос бир анъанага айланиб қолди.

Бундан мақсад, биз шу тариқа ҳаётимиздаги бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирини жамиятимиз, халқимизнинг эътибор марказига қўйиб, бу муаммони ечиш учун давлат ва унинг ҳокимият идораларини жалб этамиз.

Айни пайтда жамоатчилигимизни, шу юртда яшайдиган, шу заминга фарзандлик меҳри билан қарайдиган барча одамларни ҳам бу ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиш учун сафарбарликка даъват этамиз.

1997 йилдан буён қайси йилни олмайлик — бу Инсон манфаатлари ёки Оила йили бўладими, Аёллар ёки Соғлом авлод йили бўладими, Оналар ва болалар ёки Қарияларни қадрлаш йили бўладими — уларнинг барчаси негизида ана шундай олижаноб мақсад-муддаолар мужассам эканини кўриш мумкин.

Чунончи, янги асрнинг учинчи йилини юртимизда «Обод маҳалла йили» деб номлаганимиз замирида ҳам катта эзгу ниятлар кўзда тутилганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Шу мақсадларда тузилган махсус дастур ва уни амалга ошириш бўйича эришилган пировард натижаларни баҳолайдиган, ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу дастур аввало юртимиздаги ҳар қайси инсон ва оиланинг ҳаёт тарзи ва шароитини яхшилаш, имкон борича одамларга эркинлик ва қулайлик яратиб беришга хизмат қилаётганини кўрамиз.

Ўйлайманки, Обод маҳалла йилида амалга оширган кўпгина ишларимизга, 2003 йил натижаларидан келиб чиққан ҳолда албатта якун ясаймиз. Ушбу масала бўйича марказда ва жойларда мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Йил давомида амалга оширган хайрли ишларимизнинг ташаббускор ва ташкилотчилари бўлган фаолларимизнинг меҳнатига ҳам муносиб баҳо берилади.

Менга буюрса, аввало, ўз ишини қандайдир ҳисобот ёки кўз-кўз этиш, кимгадир миннат қилиш учун эмас, балки дил амри, қалб эҳтиёжи деб биладиган, ён қўшни — жон қўшниси, ўз маҳалласи учун жон куйдириб ишлаётган бундай инсонларни бошимга кўтарардим, бағримга босиб, ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдирардим.

Ҳаётга мана шундай фаол муносабат билан яшайдиган, меҳнати доим ҳам кўзга ташланмайдиган, аммо жамият учун ўта зарур, ўта муҳим вазифани адо этадиган ана шундай одамлар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кам бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар менинг фикримга қўшиласиз.

Азиз дўстлар!

Мен ҳозир сизларнинг ҳузурингизда «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси бўйича батафсил ахборот бериб ўтирмасдан, бу борада бажарилган энг муҳим ишларнигина эслатиб ўтсам, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Аввало, шуни қайд этиш керакки, йил давомида маҳаллаларимизни янада обод қилиш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари, хиёбон ва боғ-роғлар барпо этилди.

Буни 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари бунёд қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дарахт кўчатлари ўтқазилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда долзарб масала бўлган маҳаллалар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилгани, бу эса одамларнинг, аввало, аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга сезиларли таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш жоиз.

Айни пайтда маҳалла ва мавзелар ҳудудидаги минг километрдан ортиқ йўл қайта таъмирланиб, ободонлаштирилгани ҳам бу борада амалга оширган катта ишларимиз қаторига киради. Бу ишларнинг кўпчилиги ота-боболаримизнинг эзгу удуми бўлмиш ҳашар йўли билан бажарилгани айниқса ибратлидир.

Шу маънода маҳалла фаолларининг ташаббуси билан Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарларида қарийб 12 ярим миллион ҳамюртимиз иштирок этганини, ҳеч шубҳасиз, миллий қадриятларимизнинг яна бир амалдаги намоёни деб баҳолаш мумкин.

Жорий йил давомида юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилгани ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари иш ўрнига эга бўлгани, айниқса, диққатга сазовор. Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди.

Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланди, шунингдек, 180 мингта кам таъминланган оилага қарийб 4 миллиард сўм миқдорида моддий кўмак берилди.

Бунга қўшимча равишда республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муҳтож оилаларга 509 миллион сўм маблағ ажратилганини, кўп болали оилаларнинг 240 минг нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда бепул дам олдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Муҳтарам қарияларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бўйича аввалги йилларда бошланган кенг кўламли ишларимиз 2003 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Бу борада 25 мингдан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, дори-дармонлар сотиб олиш, коммунал тўловлар, саломатлигини тиклаш учун қўшимча маблағлар ажратилди, 28 мингдан ортиқ ёлғиз қария тиббий кўрикдан ўтказилиб, республика ортопедия корхонаси ва унинг ҳудудий бўлимларида ногиронларнинг 78 фоизига протезлар тайёрлаб берилди.

Маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, асрлар давомида унинг бағрида шаклланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилгани эътиборлидир. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилгани, турли кўргазмалар ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб НАТОнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ва Бельгиянинг бир қанча шаҳарларида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» номли кўргазма намойиш этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, якунига етиб бораётган йилни маҳалла муаммоларига бағишлаганимиз бу борада бошлаган ишларимизни давом эттириш, яна кўплаб ишларни эса жойидан силжитиш учун ўзига хос туртки бўлди. Аввалambор, маҳаллага кўпроқ аҳамият бериш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш, жамиятимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга доир қатор масалаларнинг қонуний асосда ҳал этилишига имкон туғилди.

Шу билан бирга, маҳалла тизимига доир айрим муаммолар ҳалиханuз ўз ечимини топмаганини ҳам эътироф этиш лозим. Бу масалаларни ҳал қилиш устида тинимсиз иш олиб бориш бундан буён ҳам бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиши керак.

Мисол учун, шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган ўзини ўзи бошқариш идораларига сайловлар ҳал қилувчи босқичга кирганидан барчангиз хабардорсиз, албатта. Бу сайловларнинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиёс.

Нега деганда, мамлакатимиздаги 10 мингга яқин маҳалла оқсоқоли, қарийб 75 минг раис маслаҳатчиси ҳамда турли комиссияларнинг раислари ана шу сайловлар орқали сайланади.

Бу масаланинг жамиятимиз ҳаёти учун муҳимлигини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни ва фаолиятини қонуний нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш мақсадида уларни сайлаш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳақида таклифлар тайёрлашни маъқул, деб биламан.

Кўряпсизки, азиз дўстлар, маҳаллаларимизни ва маҳаллада яшаётган одамларнинг ҳаётини том маънода обод этиш, оғирини енгил қилиш учун ҳали олдимизда яна талай вазифалар турибди. Биз шуни яхши тушунамиз, бошлаган кўпгина хайрли ишларимизни давом эттириш ва охиригача етказиш бир йил ёки битта дастур билан тугамайди, албатта.

Шу фикрларни инобатга олган ҳолда, юртимизда олиб бораётган барча савобли ишларимизга, эзгу интилишларга жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг эътиборини, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2004 йилни мамлакатимизда **Меҳр ва мурувват йили** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Меҳр ва мурувват деганда, биз аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз.

Меҳр ва мурувват деганда, биз шаҳар ёки қишлоқ бўладими, ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра ҳаётда омади келмаган, ўзини боқишга қийналаётган инсонларга моддий ва маънавий кўмак беришни назарда тутамиз.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз.

Бугун биз мана шундай эзгу мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, шуни айтиш зарурки, бундай қараш ва бундай сиёсат биз қураётган янги давлат, янги жамиятнинг қиёфаси ва маъно-мазмунига ҳар томонлама тўғри келади.

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ҳа, бугун биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда қарор топтириш йўлидан бормоқдамиз.

Лекин мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ, ўзимизга хос ва ўзимизга мос иқтисодиётни ва ижтимоий моделни, яъни устувор йўналишларни танлаган эканмиз, ўзгалардан фарқли ўлароқ, жамиятимизда ўта бойлар ва ўта қашшоқлар бўлиши маъқул эмаслигини эълон қилганмиз ва бизнинг бугунги амалий ҳаётимиз айнан шу мақсадга қаратилган. Бу ҳаётда ҳаммамиз ҳам бой бўлишни, бадавлат яшашни хоҳлаймиз. Ва бу табиий ҳол, табиий интилиш.

Албатта, шундай ҳаётни қарор топтиришда, ҳар қайси инсон Яратганнинг ўзи унга ато этган қобилиятини рўёбга чиқариши учун давлатимиз ва жамиятимиз барча шароит ва имкониятларни туғдириб бериши керак ва аввало, муҳтож оила ва одамларга тегишли ёрдамларни кўрсатиши лозим.

Лекин ўзи бадавлат яшаб турган пайтда ёнидаги қўшниси йўқчиликка дучор бўлиб, қийналиб кун кечираётганини кўрган, инсофи, виждони бор ҳар қайси инсон хайру эҳсон қилиш билан чекланиб қолмайди. Ёрдамга муҳтож бўлганларга баҳоли қудрат кўмак бериш, уларнинг кўнглини кўтариш билан савобли ишларга қўл уради, бу ишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. **Бу бизнинг асл миллий қадриятларимизга ҳам мос келади.**

Менинг имоним комил, ана шундай фикр-зикр билан яшаётган одамларга Яратганнинг ўзи қайтаради, бойлигига бойлик қўшади.

Муҳтарам юртдошлар!

Меҳр ва мурувват йили «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давоми бўлади. Обод маҳалла аввало обод кўнгилдан бошланади. Биз Обод маҳалла йили шиори остида бир йил яшадик. Бугун шу йил давомида амалга оширилган хайрли ишлар одамларнинг ички дунёсига, руҳиятига қандай ижобий таъсир ўтказганини исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Кириб келаётган йилни: **Меҳр ва мурувват йили** деб эълон қилишдан ҳам мақсадимиз — одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир. Дарҳақиқат, бизнинг азалий қадриятларимизга суяниб яшаб келаётганимиз 12 йил давомида ўзини оқлаганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва динимиз арконлари ҳаётимизга тобора кенг кириб бораётгани юртимиз аҳлининг бағрикенг, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишига, айниқса, ҳар қандай одамга парвоз учун қанот берадиган муқаддас бешик бўлмиш оилани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мана шундай фазилатларни юртдошларимиз онгу тафаккурига сингдиришга муносиб ҳисса қўшаётган нуроний қарияларимизга, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига — мен шуни очиқ айтишим керак — ҳаётимизнинг оғир-енгилига бардош бериб, жамиятимизнинг таянч устунлари бўлиб келаётган муҳтарама оналаримиз, мунис опа-сингилларимизга мана шу минбардан яна бир бор таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Ҳар сафар сиз, азизлар билан кўришар эканман, мана шундай учрашувлар мен учун қувонч ва куч-қувват беради.

Бугун ҳам шу учрашувдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга қалбимдаги меҳр ва севгимни изҳор этиш имкониятига эга бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб биламан.

Барчангизни Конституциямизнинг 11 йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Мен бугун — бепоён далаларда ёки корхоналарда бўладими, мактаб ёки олий ўқув юрти, тиббиёт ва маданият, хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими — барча жабҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, том маънода ватанпарварлик намунасини кўрсатаётган, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг юкини елкасида кўтариб келаётган жамики юртдошларимни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман.

Худдики уларга ҳам юксак мукофотларни ўз қўлим билан топширгандек, кўксингизга ярашиб турган унвон ва нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга омад ва бахт келтирсин, деб ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сиз орқали бутун халқимизни яқинлашиб келаётган Конституция байрами билан яна бир бор табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Зикир Муҳаммаджонов ва Тўлепберген Қаипбергенов, «Буюк хизматлари учун» орденини билан тақдирланган марҳум адиб Шуҳратнинг ўғли «Ўртаосиётранс» ҳиссадорлик компаниясининг касаба уюшмасининг раиси Фикрат Алимов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти клиникаси бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Алиса Подпоренко, Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳокими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Манзурахон Эгамова, Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик» ордени нишондори Михаил Киктев ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси, «Дўстлик» ордени соҳиби Руслан Шарипов ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундаши, янги-янги зафарли марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидлади. Юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

**(ЎзА)**

**Суратда:** тақдирлаш пайти.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат**


# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ўзбек халқининг қадимий байрами — Наврўзга бағишланган миллий урф-одатлар ва қадриятларни тараннум этувчи янги анъаналарни қарор топтиришга йўналтирилган ижодий ғояларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида 2004 йил 1 январдан 2004 йил 10 февралга қадар қуйидаги йўналишлар бўйича республика**

### ОЧИҚ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш ғоялари учун;
- пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун;
- янги яратилган мусиқа асарлари учун;
- байрам томошасини саҳналаштириш режаси учун;
- энг яхши бадиий декоратив безаш учун.

### ТАНЛОВДАН МАҚСАД

Наврўзга бағишланган бадиий дастурларнинг, миллий урф-одатлар ва қадриятларни тараннум этувчи баркамол, ёш, соғлом авлодни тарбияловчи, янги анъаналарни қарор топтиришга йўналтирилган ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш;

Вилоятларнинг ўзига хос бўлган санъат турлари ютуқларини ҳамда миллий урф-одатларга бой бўлган бадиий дастурларни саралаш.

### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари, танловда кўрсатган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибида танловда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларнинг матнларида Наврўз байрамининг тарихий анъаналари, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фольклор-этнографик хусусиятларини байрамона руҳда ифода этишлари, Мустақиллик туфайли республикамизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни, ислоҳотларни ва янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда кўрсатишлари ҳамда уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Алишер Навоий номидаги мажмуаси, Ўзбекистон Миллий боғи, Тошкент шаҳри майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

Бадиий дастурлар қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир ярим соатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Ғолиблар ҳайъат аъзоларининг очиқ йиғилишида учдан икки фоиз овоз олиш орқали аниқланадилар.

Ҳайъат танлов эълон қилинган кундан эътиборан иш бошлайди.

Ҳайъат котибият белгилаган кунда йиғилиш ўтказиб, ғолибларни аниқлайди.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

*Ижодий гуруҳлар учун:*

1-мукофот — 400000 (тўрт юз минг) сўм
2-мукофот — 300000 (уч юз минг) сўм
3-мукофот — 200000 (икки юз минг) сўм

*Якка тартибда иштирок этганлар учун:*

1-мукофот — 150000 (юз эллик минг) сўм
2-мукофот — 100000 (юз минг) сўм
3-мукофот — 50000 (эллик минг) сўм

1-мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

*Танлов муассислари:*

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академия, «Наврўз» халқаро жамғармаси.

**Танлов иштирокчилари 2004 йил 10 февралга қадар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: 700129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, Маданият ишлари вазирлиги. Телефон: 144-63-73.**

Олий Мажлиснинг XIII сессияси олдидан

# ХАЛҚДАН ҚУВВАТ ОЛАМИЗ

## ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСДАГИ ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ ИЗИДОР КОЧМАРИК БИЛАН СУҲБАТ

**— Ҳурматли Изидор Андреевич, Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолият кўрсата бошлаганидан буён тўрт йил ўтди. Айтингчи, сиз фракция раҳбари сифатида шу давр ичида ХДПнинг парламентдаги фракцияси фаолиятидан қандай хулосалар чиқардингиз? Уни жаҳон парламентчилигидаги андоза ва даражага қиёсласа бўладими?**

— Умуман олганда, ўтган давр мобайнида фракциямиз томонидан парламентчилик соҳасида муайян тажриба орттирилди. Бу тажриба, ҳеч шубҳасиз, келажакда, хусусан, 2004 йил декабрида сайланадиган янги икки палатали парламентда ҳам фойдали бўлади. Албатта, бунинг учун ЎзХДПдан сайланадиган депутатлар сони фракцияни ташкил этишга етарли бўлмоғи керак. Партиямиз келгуси сайловларда ушбу мақсадга эришиш учун астойдил курашиш ниятида.

Энди, бевосита фаолиятимиз тўғрисида гапирадиган бўлсак, аввалambор, фракциямиз фаолиятида Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси олдидан муайян ишларни бажариш амалиёти вужудга келганлигини таъкидламоқчи эдим. Бу ишлар, одатда, сессия чақирилиши эълон қилинмасдан анча олдин бошланади. Зеро, депутатларимиз иккинчи ўқишда қабул қилиниши мўлжалланган қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишлари билан бир қаторда, Олий Мажлис қўмиталарининг аъзолари сифатида янги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда ҳам қатнашадилар. Навбатдаги сессияларни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин эса партия Марказий Кенгаши ҳузуридаги юқори малакали мутахассислар иштирокида сессияга киритилиши мўлжалланаётган қонунчилик ҳужжатлари ҳақида хулосалар тайёрланиб, фракцияда кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Фракциямиз «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонунга биноан, сессиялар кун тартибига киритилиши кўзда тутилган қонунлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Ушбу мақсадда, биринчидан, қонун лойиҳалари фракциямиз аъзолари ва мутахассислар иштирокида Ўзбекистон ХДП ташкилотларида муҳокамага қўйилади. Иккинчидан, Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари билан биргаликда энг муҳим қонунчилик ҳужжатлари юзасидан давра суҳбатлари ўтказилади. Натижада фракциямиз ҳар бир сессия арафасида кўплаб қонунлар лойиҳалари юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни тўплаб, улар асосида тайёрланган ўз таклифларини Олий Мажлисга йўллашга муваффақ бўлмоқда. Умуман, биз иккинчи чақириқ Олий Мажлис қўмиталарига жами бўлиб 200 тадан зиёдроқ қонун лойиҳалари бўйича таклиф ва тавсияларни бердик. Энг муҳими, уларнинг катта қисми инобатга олинди.

Бу Ўзбекистон ХДП ёндашувлари ва партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси фаолиятини уйғунлаштириш, бунда ХДП дастурий устуворликларидан келиб чиқиш имконини бермоқда.

Албатта, биз ўз ишимизда парламент демократияси масаласида жаҳонда тўпланган тажрибага таянамиз, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунчилигидан келиб чиқиб, жаҳонда синалган иш шакллари ва услубларидан фойдаланамиз. Бироқ, шундай бўлса-да, фракциямиз фаолиятини жаҳон парламентчилик тажрибаси билан қиёслашга ҳозирча эрта. Чунки биз ривожланган демократик мамлакатлар бир неча аср давомида босиб ўтган йўлнинг бошида турибмиз. Парламент ислоҳотидан мақсад ҳам, менимча, давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик тармоғи фаолиятини ташкиллаштиришнинг шакл ва мазмунини жаҳонда умумқабул қилинган демократик меъёрларга мослаштириш жараёнларини фаоллаштиришдир.

**— Сизнингча, Ўзбекистон ХДП жамият тараққиётининг муқобил дастурини таклиф этиши мумкинми? Умуман, партиянгиз жамиятда учраётган қандай муаммолар юзасидан давлат ҳокимияти органлари билан мулоқотга киришиш лозим, деб ҳисоблайди?**

— Биласизми, партиямиз 1999 йилги парламент сайловлари арафасида янги таҳрирдаги ўз Дастурини қабул қилган эди. Унда ХДПнинг муайян андозалардан воз кечиб, мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос йўл ва воситаларига аниқ нуқтаи назарни ифода этиб, янгича дастурий ҳужжатни жамоатчилик диққатига ҳавола этганди. Партиямиз ўшандаёқ мазкур ҳужжатда шундай муаммоларни белгиладики, унга мувофиқ, депутатлик тузилмаларимиз ўзларининг қонуний ваколатлари доирасида улар юзасидан давлат ҳокимияти идоралари билан нафақат мулоқот қилишлари, балки шу тўғрида аҳолининг ҳаётий манфаатларига жавоб берувчи қарорларни қабул қилишда ташаббус кўрсатишлари лозим эди. Ушбу муаммолар сирасига уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида хизматлар сифатини ошириш ва тарифларни шакллантириш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларини етарли миқёсда молиялаштириш, меҳнатга лаёқатли кишилар сони ортиқча бўлган минтақаларда янги иш жойларини вужудга келтириш ва бошқалар киради. Партиямиз Марказий Кенгашининг бешинчи пленуми ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратди. Унинг қарорларини амалга ошириш жараёнида шу йўналишдаги ишларимиз бирмунча жонланди. Пленумдан кейин ўтган тўққиз ой давомида депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан жойларда аҳоли манфаатларига мос қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар ижобат топди. Масалан, халқ депутатлари Тўрткўл тумани Кенгаши таркибидаги ХДП депутатлик гуруҳи шу ерлик барча мактаб ўқувчиларини маҳаллий имкониятлар ҳисобидан дарсликлар билан таъминлаш масаласини сессияда кўриб, тегишли қарорнинг қабул қилиниши ва унинг ижро этилишига эришди. Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгашидаги партиямиз вакиллари шаҳарликларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масаласида ғайрат кўрсатаётирлар. Ўзбекистон ХДПдан Чирчиқ шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш жойларини яратиш масалаларига ҳисса қўшмоқдалар. Очиғи, бу хусусда бошқа кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин.

**— Бу, албатта, яхши. Аммо, сиз раҳбарлик қилаётган фракция парламентимизнинг бирон бир сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида белгиланган ҳуқуққа мувофиқ, вазирлар ёки давлат органларининг бошқа раҳбарларига сўров билан мурожаат этганлигини, улар билан очиқ мулоқотга киришганлигини кузатмадик. Сиз бу ҳолни қандай изоҳлаган бўлардингиз?**

— Бунинг асосий сабаби шуки, масалаларни шу тахлитда қўйишга эҳтиёж сезилмади. Кўплаб масалалар фракция томонидан тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда сессиялар оралиғида ҳал этилмоқда. Чунончи, 2000 йилдан буён фракция йиғилишларида давлат бюджетининг ижроси ва янги бюджет лойиҳаси билан боғлиқ масалаларни жамоатчилик асосида муҳокама этиш амалиёти мавжуд. Бундай йиғилишларда, албатта, Молия вазирлиги ҳамда Олий Мажлиснинг Банк, бюджет ва молия масалалари қўмитаси раҳбарлари қатнашадилар. Муҳокамалар жуда қизғин, баҳс-мунозаралар тарзида ўтиб, депутатлар ўзларини қизиқтираётган саволларга жўяли жавоб оладилар, давлат бюджети лойиҳаси ёки унинг ижроси юзасидан асосли таклифлар киритадилар. Бу ҳам аслида депутатларимиз билан давлат ҳокимияти идоралари ўртасидаги очиқ мулоқотнинг бир шакли.

Фракциямиз аъзолари ўз сайлов округларида муайян вазифаларни бажарадилар, сайловчилар билан мунтазам учрашиб турадилар. Парламент сайловидан кейинги тўрт йил мобайнида Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлари ўз сайловчилари билан тўрт минг мартадан ортиқроқ учрашдилар. Ҳар бир учрашувдан кейин депутатларимиз, сайловчилар илтимосларига кўра, давлат ва бошқарув идоралари раҳбарларига у ёки бу масала бўйича мурожаат қиладилар, уларнинг ечимини назоратга оладилар. Бу ерда ҳам улар орасида ўзига хос мулоқотни кўрамиз. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай мулоқотлар давомида кўтарилган масалаларнинг аксарияти расмий равишда кўрилиб, ўз ечимини топади.

Агар бу масалага жаҳон парламентчилик тажрибасидан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, бундай амалиётнинг доимий ҳаракатдаги парламентларга хослигини кўрамиз. Демак, янги икки палатали парламентнинг қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ўзларининг давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш ҳуқуқларидан тўла фойдаланадилар, деб ўйлайман.

**Суҳбатдош**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири**
(«Халқ сўзи»нинг 5 декабрь сонидан )

---

Биз билган ва билмаган тарих

# ҲАҚИҚАТНИНГ ОҒИР ЙЎЛЛАРИ

## ёки собиқ иттифоқ даврида қонунчилик қай даражада топталгани, инсон ҳақ-ҳуқуқлари аёвсиз поймол этилганлиги ҳақида

Ҳақиқат эгилиши, топталиши мумкин, аммо синмайди, албатта қарор топади. Бунинг учун вақт ўтиши керак, лекин шу даврда қанчадан-қанча соф виждонли инсонлар оғир мусибатларни, азоб-уқубатларни бошидан кечиради, ҳатто ёруғ дунёдан кўз юмади.

Маълумки, собиқ советлар тузуми дастлабки қадамлариданоқ қонунсизликка ружу қилди, қонунлар ўрнини тобора «инқилобий онг» деган мавҳум, бирор тарзда чекланмаган мужмал ибора эгаллади. Ижроия ҳокимияти, аниқроғи, коммунистик партия барча ижтимоий масалаларни қонун ва суд олдида ҳеч қандай масъулиятсиз, ўз билганича «тартиблаштирар» эди. Шўролар тузумининг ваҳшиёна сиёсатини тавсифлаш учун унинг бир қанча муайян йўналишларига назар ташлаш кифоядир.

Барча ривожланган мамлакатларда ҳар қандай хатти-ҳаракат қонун билан жиноят деб тан олинган бўлсагина, унда назарда тутилган жазони қўллаш мумкин. Қонунда кўрсатилмаган жиноят ҳам, жазо ҳам бўлиши мумкин эмас, деган қоида халқаро ҳуқуқда ҳам тан олинган. Совет жиноят ҳуқуқида эса, «ижтимоий хавфли шахс» назарияси, айниқса, ҳукмрон бўлган. Унга биноан шўро тузумига ихлоси йўқлиги учун ҳар қандай ҳур фикрли инсон қувғин қилинар эди.

Шўролар даврида жазо ва қувғин авжига минди, отиш ва қамаш одат тусини олди. Ҳатто, рус императорининг махсус салоҳиятли комиссияси узоқ йиллик сургун қилиш амалиётини ҳар томонлама таҳлил қилиб, 1898 йилда уни имкон борича тезроқ бекор қилиш тўғрисида хулосага келган бўлса-да, шўролар ҳокимияти муайян тоифадаги шахсларни оммавий сургун қилиш, туғилиб ўсган юртидан зўравонлик билан кўчириш, «қулоқ», «халқ душманининг қариндоши» каби тамғалар босиш билан саргардон қилган. «Шўрога ҳақсизлар», «қулоқлар», «босмачилар», «халқ душманлари» каби уйдирма тушунчаларга амал қилиб, ўша йилларда оммавий қувғин кенг авжланган, Ўзбекистонлик юз мингдан зиёд софдил одамлар сургун қилинган, қамалган, ҳатто ҳаётидан маҳрум этилган.

Шахсни қамаш ва кейин унга айб тўқиш учун далил қидириш амалиёти кенг тарқалган эди. Қонун маҳбусни судгача энг кўпи тўққиз ой қамоқда сақлашга рухсат бергани ҳолда, баъзи айбланувчилар тўққиз йилгача суд ҳукмисиз озодликдан маҳрум этиш жойларида тутиб турилган. Мавжуд тузум ижтимоий ҳаётнинг деярли барча йўналишларини режалаштиришга, қолипга солишга уринар эди. ВКП (б) МК сиёсий бюросининг 1937 йил 2 июлдаги қарорига кўра, қувғин ва қатағонларни ҳам бир маромда ўтказиш лозимлиги, 5 августдан бошлаб авж олдирилиши, шунингдек, қайси минтақада неча киши қамалиши, улар учун Лагерлар бош бошқармаси (ГУЛАГ) қаерда қанча ва қандай лагерлар қуриши ҳақида топшириқлар берилган эди.

Тергов амалиётида турли қийноқ усулларини қўллашга расман ижозат берилганди. Чунончи, ВКП (б) МК нинг 1939 йил 10 январида республика, ўлка ва вилоят партия қўмиталарига ва ички ишлар органларининг раҳбарларига юборган шифрограммасида «халқ душманларига нисбатан жисмоний тазйиқ чоралари батамом тўғри ва мақсадга мувофиқ усул сифатида албатта қўлланиши даркор», деб тушунтириш берилган ва бунга 1937 йилдан бошлаб расмий рухсат этилгани таъкидланган.

Қийнашлар ва азоб беришлар, одамнинг энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилиши, мунтазам равишдаги психологик тазйиқ, қариндош-уруғлари ва яқинларини қамаш, азоблаш билан қўрқитиш — булар керакли кўрсатувлар олиш учун қўлланилган асосий услублар бўлиб, бу фожиали натижаларга, минглаб ҳеч қандай айбсиз кишиларнинг ҳаётига зомин бўлишига олиб келган.

Масалан, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги учликнинг 1938 йил 13 февралдаги қарори билан Денов ва Шўрчи туманларининг ўн етти нафар фуқароси гўёки А.Икромов ва Ф.Хўжаев ташкил қилган «қўзғолончи миллатчилик ташкилотида» қатнашганлиги учун олий жазога ҳукм қилинган. Айблов Хайитов деган кишининг кўрсатувларига асосланган бўлиб, у кейинчалик кўрсатувлар қийнов остида олинганлигини айтиб, уларни инкор қилган. Иш юзасидан бошқа ҳеч қандай далиллар йўқ эканлигига қарамасдан одамлар ҳаётдан маҳрум этилган. Суд тизими ҳам ўзгартирилиб, «халқ» судлари ва «инқилобий трибунал»лар таъсис этилган. Улар суд ишларини партия йўл-йўриқларига кўра, «сиёсий ҳушёрлик» билан ҳал қилишлари лозим бўлган. Совет ҳуқуқшунослиги ҳам коммунистик ғояларга бўйсундирилган ва уларни «илмий» жиҳатдан оқлашга қаратилган. Чунончи, жамият тарихи бир-бирига қарама-қарши синфлар курашидан иборат эканлиги, бир синф иккинчисини бостириб туриши шартлиги, ижтимоий ҳаёт, фан, санъат, маданият, хулқ-одоб, ҳатто қонун ва жиноятга ҳам синфий тус берилгани, суд ишларида ҳақиқатга эришиш ўрнига эҳтимолларга ишониш етарли экани, айбга иқрорлик «шоҳона» далил эканлиги, қонун назарда тутмаган бўлса-да, шахсни ўхшашлик (аналогия) асосида жавобгарликка тортиш, айбсизлик презумпцияси ва тортишувлик каби умумбашарий мақбул принципларни инкор этиш «назариялари» кенг тарғибот қилинарди.

Қонунлар ўрнини партия ва ижроия органлари чиқарган ҳужжатлар эгаллади. «Қизил террор» ҳақида дастлабки декретлар, большевиклар коммунистик партиясининг 1932 йил 7 август, 1934 йил 1 декабрь, 1937 йил 22 сентябрь кунлари чиқарган қарорлари, 1948 йил 4 июндаги фармони каби фатволари ваҳшиёна оммавий қирғинларга асос солди. Масалан, РКП (б) сиёсий бюросининг 1919 йилда қабул қилган «Босмачи қўрбошилар тўғрисида»ги қарори миллий озодлик раҳбарларини зудлик билан қамаш, инқилобий трибуналга бериш, уларга олий жазо қўллашни назарда тутган эди. СССР Прокурорининг 1935 йил 23 январдаги кўрсатмаси аксилинқилобий тусдаги ишларни, «уларни судларда кўриб чиқиш учун етарли ҳужжат ва маълумотлар бўлмаса (эътибор беринг — Ғ.А), СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги махсус кенгашга кўриб чиқиш учун юборилиши» таклиф этилганди.

Қатағонларни авжлантиришда нафақат махсус кенгашлар, шу билан бирга вилоят ички ишлар халқ комиссарлиги бошқармаси бошлиғи, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби ва вилоят прокуроридан иборат «учлик» ҳам қатнашар эди. Улар 1937 йилда бевосита Сталиннинг фармойиши билан ташкил этилган, уларга советларга қарши унсурларни 10 йил муддатга турмага қамашга ҳукм қилиш, ҳатто отиш «ҳуқуқи» берилган эди. Одатда ички ишлар ходими бўлажак маҳкум тўғрисида «чақирув қоғози» тузар, унга вилоят ИИХК бошқармасининг бошлиғи қизил қалам билан катта «Р» ҳарфини («расстрел») ёзиб қўяр, «учлик» аъзолари «чақирув қоғози»ни эртасига имзолашарди.

Шунингдек, «иккиликлар», «махсус ҳайъатлар» ва «махсус ташрифлар» деб номланган ғайриқонуний тузилмаларга ҳам қатағон қилиш ваколати берилган. Масалан, СССР Ички ишлар халқ комиссари Ежов билан СССР Бош прокурори Вишинский таркибидаги ана шундай «иккилик» тезкорлик билан фақат бир кунда — 1937 йил 18 октябрда 551 кишига тегишли материалларни «кўриб чиққан» ва уларнинг ҳаммаси бўйича ўлим жазоси қўллаган. Зарур бўлганда «иккилик» қарорисиз ҳам бир амалдор буйруғи билан исталган жазо чораси қўлланилаверган. Жумладан, 1941 йилнинг октябрида 25 кишидан иборат катта лавозимдаги ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва бошқа шахслар ички ишлар халқ комиссарининг хати асосида отиб ташланган.

Партияга «дўст эмас» шахслар рўйхатини тузиш услуби ҳам кенг тарқалган эди. Фақат 1937-1938 йилларда Сталин ва Молотов томонидан 383 та шахс рўйхати тасдиқланган, яъни улар суд қилинмай отиб ўлдиришга маҳкум этилган.

«Аксилинқилобий» деб аталган жиноятлар ҳақида кўриб чиқилган ишларнинг кўпчилиги очиқдан-очиқ олдиндан ҳал этилганлиги, ҳақиқий ҳолатларнинг бутунлай инобатга олинмаслиги, фуқароларнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги билан ажралиб турар эди.

Оммавий қирғин ва қувғин бутун мамлакат бўйича ўта кенг доирада амалга оширилган эди. Хусусан, ўтган асрнинг 30-40 йиллари ва 50-йиллар бошида иттифоқнинг судга алоқадор бўлмаган органлари томонидан 3.778.234 киши қатағон қилинган ва жазоланган, 786.098 нафари отиб ташланган. Уларнинг орасида минглаб бизнинг ватандошларимиз ҳам борлигини изтироб билан хотирлаймиз. Ўз фуқароларига бу қадар адолатсизлик ва зулм ўтказган тузумни тарих кўрмаган эди.

Сталиннинг ўлимидан сўнг коммунистик партия ва совет ҳукуматининг янги раҳбарлари ўзгача фикрловчи кишилар судсиз жазоланганлигини эътироф этишга мажбур бўлдилар ва одил судлов асосларини демократлаштириш юзасидан айрим чора-тадбирларни қабул қилдилар. Бироқ, суд ижро ҳокимиятига бўйсунган ҳолда қолаверди. Судлар устидан раҳбарликнинг амалга оширилиши бевосита қонунларда назарда тутилган эди. Судлар ўз фаолиятида асосан давлат манфаатларини кўзлаб иш тутарди. Инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси унутилган эди.

Қатағон, қирғин, асоссиз қамоққа олишлар сақланиб қолди.

Инсон учун адолат нақадар ҳаётий зарурат экани, бундан қарийб 20 йил муқаддам бошланган ва ҳали ҳам мудҳиш оқибатлари хотирадан ўчмаган «ўзбеклар иши», «пахта иши» тимсолида кўриш мумкин.

Гдлян гуруҳи Ўзбекистонда 1983 йил сентябридан иш бошлади ва иғвогар, мансабпараст прокуратура, давлат хавфсизлиги хизмати ва ички ишлар ходимлари ҳисобига 200 дан зиёд терговчилардан ташкил топган эди. Уларнинг иш услуби республиканинг раҳбар ходимларини қамаш, қийноққа солиш, чидамсиз шароитларда, рецидивист маҳбуслар билан бир камераларда сақлаш, яқин қариндошларини қамаш, отиб ташлаш билан қўрқитиш услубларини қўллаб ўғрилик, порахўрлик, қўшиб ёзиш каби оғир жиноятлар содир этганлик ҳақида «иқрорлик»ка эришишдан иборат эди.

Республикамизга Ислом Каримов раҳбар бўлиб келгач, мен юрист сифатида алоҳида таъкидламоқчиман бу гапни, ўз фаолиятини ҳамюртларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан бошлади. Бизнинг ўз Олий судимиз борлиги, марказдан келаётган кўрсатмаларга зор эмаслигимизни қатъий айтди. Мамлакатимиздан ташқаридаги қамоқхоналарда сақланиб келинаётган ҳамюртларимизни Ўзбекистонга қайтарди. Ҳуқуқий-демократик давлат пойдевори тамал тошини қўйди. Судга муносабатни мутлақо ўзгартириш, суд тизимини ислоҳ этиш, суд мустақиллигига эришиш учун кураш ҳам юртбошимиз ташаббуси билан бошланди.

Замон ўзгарди, энди биз мустақилликнинг эркин, ёруғ йўлига чиқиб олдик. Эски, тоталитар тузум ҳам, халқ ҳақ-ҳуқуқларини топтайдиган қонунлар ҳам энди йўқ. Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари, қадри, шаънини эъзозлаб, ҳимоя этадиган ўз Конституциямиз бор. Бош Қомусимиз адолат ва ҳақиқат йўлида хизмат қилмоқда.

**Абдуғофур АБДУМАЖИДОВ,**
**юридик фанлари доктори**

---




---

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Тошкент Ислом университетида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 11 йиллигига бағишлаб «Демократик жамият қуришда Конституциянинг аҳамияти» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг етакчи ҳуқуқшунослари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини белгилаб, янги жамиятни шакллантиришга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритгач, азалий, миллий ва диний қадриятлар ҳамда анъаналарни қайта тиклаб, жаҳон тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаттиқ бел боғлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ана шу жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Бош Қомусимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар жамиятимизда демократия ва адолат тамойилларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бош Қомусимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар, бу борада эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда аҳоли ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, барча жабҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишларни ташкил этишда таълим тизими ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳамда мавқеини янада кучайтириш борасида ҳам қизиқарли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Шаҳриёр РАУПОВ**

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Парпиев номига Германиядан Афғонистонда қурбон бўлган немис аскарларининг ота-оналари ва қариндош уруғларидан миннатдорчилик мактуби келган эди. Унда давлат божхона қўмитаси ходимларининг кўрсатган хизматларидан кўнгиллари тўлгани эътироф этилганди. Куни кеча эса Хитой Халқ Республикаси бош божхона маъмурияти раҳбари Му Кеиншенгдан мактуб келди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси номига йўлланган бу номада Хитой божхона маъмурияти раҳбарлари шу йил 26-29 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банкининг божхона соҳасида ҳамкорлик бўйича қўмитасининг иккинчи учрашувида қатнашган Хитой божхона хизмати ходимларига кўрсатилган хизмат ва қабул учун самимий миннатдорчилик изҳор қилинган. Ўшанда хитойлик божхоначилар Олий ҳарбий божхона институти ва Давлат божхона қўмитасининг миллий кинология марказида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишгач, республика раҳбариятининг божхона соҳасига жуда катта эътибор билан қарашаётганига гувоҳ бўлдилар ҳамда божхоначиларнинг хизматларига юксак баҳо бергандилар. Шунингдек, мактубда Хитой божхона хизмати мамлакатимиз божхоначилари билан ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қилаётгани қайд этилади. Ҳар иккала мамлакат божхона хизмати ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш, божхона ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, гиёҳвандликка қарши биргаликда курашиш мақсадида келаси йили Хитойда ўтказилиши режалаштирилаётган божхона ишлари бўйича ўқув курсларига ўзбекистонлик божхоначилар алоҳида таклиф этилдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Миллат ва маънавият**

# ОНА ТИЛИМ — ИФТИХОРИМ, ИНЖА ГАНЖИНАМ

Эркин Воҳидов мақоласида сўзимизнинг луғат бойлиги, атамалар тизими тўғрисида ҳам кўпгина маъқул фикрлар айтган, ёрқин мисоллар келтирган. Шу билан бирга ўзимнинг баъзи бир мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Эркин масалани тўғри қўяди — у дунёда биронта ҳам ўз қобиғига уралиб олган «фақат ўз ёғига ўзи қовурилиб ётадиган тил йўқ, ҳамма тиллар бир-бири билан доимий алоқада, бир-биридан сўз олади, бир-бирининг иборалари ва атамаларини алмаштириш ҳисобига бойийди», дейди. Масалан, ўзбек тилида анча-мунча русча ёки бошқа хорижий тиллардан кирган сўзлар бўлганидек, бошқа тилларда ҳам ўзбек ёки туркча тилдан кирган ва бугун ҳам фаол яшаётган сўзлар кўп. Масалан, рус тилидаги «қоровул». «киоск», «колбаса» каби сўзлар шулар жумласидан. Шошманг, мен уларни санаб нима қиламан, ана, Баскаковнинг рус тилидаги туркча унсурларга бағишланган каттагина китобини олиб варақлаб чиқинг — гапим тўғрилигига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Лекин афсусланадиган жойи шундаки, бундан 15 йиллар чамаси аввал тилимиздаги хорижий сўзларга қарши ялпи ҳужум бошланган эди. Лексикология ва атамалар соҳаси бамисоли отбозорга ўхшаб қолганди — ҳамма ёқда кишнаш, от туёқларидан чиққан дупур-дупур, сувлиқлару узангиларнинг шиқирлаши, жангир-жунгири... Бунинг оқибатида билган ҳам, билмаган ҳам ўзбек тилининг луғат бойлигини «янгилаш» иштиёқига тушиб қолди, топган ўшанда бир боғ гул, топмаган пиёз кўтариб кела бошлади. Бу менга ривоятларимиздан бирини эслатган эди. Бу воқеа бўлган-бўлмаганига кафил бўлолмайману, лекин жуда ибратли.

Ўтмишда бир подшо тилни янгиламоқчи бўлипти — янги сўз топиб келганга, бир тангадан мукофот бераверипти. Одамлар «лой-пой», «чигит-пигит» ва ҳоказо сўзларни айтиб бир тангадан олиб кетаверипти. Шунда афанди келиб, «танга-манга» дептию, мукофот пулини лаган-пагани билан кўтариб жўнаб қолипти. Ўша кездаги уринишларнинг кўпчилиги менга ана шу «чип-пип»лар қабилидаги сўзларни сингдиришга ҳаракатдай кўринади. Эркин мақоласида ўшанда тилимизга кириб қолган кўпгина сўзларни маъқуллайди. Билмадим, эҳтимол Эркин ҳақдир. Лекин мен бир нарсани эслатиб ўтмоқчи эдим. Гап шундаки, тил зинҳор-базинҳор зўравонликни кўтармайди, сунъийликка тоқати йўқ. Ундаги луғат бойлигини декретлар йўли билан кўпайтириб ҳам, озайтириб ҳам бўлмайди. Юзлаб, балки минглаб сўзлар борки, улар ўзбек тилига қандай кирган бўлса, шундай ўзлашиб, ўрнашиб қолган — уни бугун омбур билан ҳам суғуриб олиб ташлай олмайсиз. Эсимга келган уч-тўртта сўзни айтай: трактор, радио, телевизор, аптека, поезд, трамвай, водопровод, ракета, завод, фабрика ва ҳ.к. Шундай экан, ўшанда ва бугун ҳар бир хорижий сўзга муқобил сўз ёки атама қидириб, газетани рўзномага, журнални мажаллага, археологияни қадимшуносликка алмаштириш шартмиди? Яна бунинг устига таклиф қилинаётган «янги» сўзларнинг кўпчилиги туркий эмас, арабий ёки форсий бўлса, яъни бир хорижий сўз бошқа хорижий сўз билан алмаштирилса. Хўп, ўша кезларда таклиф қилинган бир қатор сўзлар тилимизда ўзлашиб қолди ҳам дейлик. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан илгари мутлақо истеъмолда бўлмаган сўзлар кириб кела бошлади-ку. Бугунги матбуот тилига бир назар ташланг: бизнес, менежмент, биржа, контракт, конверсия, инвестиция, унификация, глобализм, терроризм, универсализм, кредит ва ҳ.к. Ахир, буларнинг йўлига тўсиқ қўйиб бўлмайди-ку! Шундоқ бўлгач, фақат номига алмаштириш учун бир сўзни —ҳаммага тушунарли бўлиб қолган, ҳатто жонли тилга киритган сўзни чиқариб ташлаб, ўрнига кейинчалик ўзлашиб кетса ҳам, бугун ўта сунъий кўринаётган сўзларни киритишга ҳожат бормиди?

Мен тилимиздаги ҳеч қайси сўзни қувиб чиқаришнинг тарафдори эмасман. Ундаги ҳамма сўзлар — бири фаол, иккинчиси пассив бўлса-да, барибир ишлайди. Бир вақтлар бир тилшунос олим «фаввора» сўзини чиқариб ташлаб, «фонтан» сўзининг ўзини қолдиришни таклиф қилган эди. Ўшанда ҳеч ким унга «эй ака, фаввoранинг сизга нима оғирлиги тушди, қўйинг, юраверсин, ҳеч кимдан ошнон сўраётгани йўқ-ку» демади. Дарҳақиқат, керак одам фавворани ишлатади, кераги фонтанни. Бундан ташқари, шундай ҳоллар бўладики, фавворани ишлатмаслик мутлақо мумкин бўлмайди. Масалан, «Амир Темур боғларидаги фонтанлар жўш уриб ётипти» деса, ғоятда сунъий туюлади-ку?

Қайта тирилган сўзларнинг кўпчилиги тилимизда муносиб ўрнини топиб олди — масалан, битик сўзини олайлик. Қадимда тошга ўйиб ёзилган ёдгорликларни «ёзма адабиёт» ёки «китоблар» деб атаб бўлмайди. Уларни «битик», «тошбитик» деган иборалар жуда яхши ифодалайди.

Хуллас, бу масалада мен Эркиннинг фикрларини рад қилмаган ҳолда, тилимиз бойлигини кўз қорачиғидай асрашимиз, ҳар битта сўзимизга ноёб бойликдай қарамоғимиз кераклигини таъкидламоқчи эдим. Шу билан бирга, айниқса, атамалар бобида турли иенларнинг терминлари соҳасида ёшларни чалғитадиган бош-бошдоқлик бўлмаслиги керак. Пиёз ҳам фойдали нарса, лекин гул ўрнида у ножоиз кўринади...

❖❖❖

Она тилимизнинг теранлиги, нафосати ва беқиёс имкониятларини кўрсатадиган яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин ҳозирча юқорида айтилганларига қаноат қилайлиг-у, масаланинг бошқа бир муҳим жиҳатига эътибор қилайлик. Гап шундаки, ҳар қандай бошқа тил каби бизнинг она тилимизнинг имкониятларини рўёбга чиқариш, унинг бойликларини намоён этиш шу тилдан фойдаланадиган одамларга боғлиқ. Бу тилда гапирадиганлар, маъруза ўқийдиганлар, унда мақолалар ва бадиий асар ёзадиганлар ёзарлар, шунчаки бир-бири билан мулоқотга киришадиган одамлар ўз она тилининг қонун-қоидаларини қанчалик яхши билсалар, унинг табиатини, нафосатини қанчалик теран ҳис қилсалар, тилимиз амалда шунчалик гуллаб-яшнайверади. Аксинча, тилга лоқайд қарайдиганлар, ўз саводсизликларини яширмай, тилга зўравонлик қиладиганлар қанча кўпайса, тилимизнинг ғализлиги шунча ортади, у ҳам араванинг ёғсираган ғилдирагидай ғижирлаб қолади. Шу ўринда тилимизни жуда яхши биладиган, унинг ҳуснига ҳусн қўшиб, киши ҳавас қиладиган тарзда тоза ва бийрон гапирадиган зиёлиларимиз анчагина. Мен бу ўринда таниқли шифокор Шабот Хўжаевни ёки машҳур ҳофизимиз Ориф Алимахсумовни эслаб ўтишни жоиз деб биламан. Кўпгина ёшларимиз тилни шулардан ўрганишса ёмон бўлмас эди.

Лекин афсуски, амалиётда биз кўп ҳолларда тилимизга беписанд қарашни кўрамиз. Гапирганда ёки ёзганда ўзимизни назорат қилмаймиз, ўзимизнинг тилимизни ўзимиз ҳис қилмаймиз, унинг ички оҳангларига қулоқ тутиб кўрмаймиз, балки жилови устига ташлаб қўйилган отдай майсаси кўпроқ кўринган ўтлоққа кириб кетаверамиз.

Кунлардан бирида «Давр»ни тинглаб ўтириб, ғалати бир ибора эътиборимни тортди. Диктор кимдир кимнидир «озодликка қўйиб юборишни талаб қилгани» тўғрисида гапирди. Ҳайрон бўлдим — бу, нима дегани? «Озодликка қўйиб юбориш» дегани нимаси? Ўйлай-ўйлай топдим — ўзбек тилининг табиатига мутлақо ёт бўлган бу жумла «отпустить в свободу» деган русча иборанинг сўзма-сўз таржимаси экан. Бу ўринда «эркинлик» сўзи ҳам, озодлик ҳам ножоиз, «қўйиб юбориш-ку», умуман, керакли маънони бермайди. Бу иборани «турмадан (ёки қамоқдан, ё ҳибсдан, ё авахтадан, ё тутқунликдан) чиқариб юбориш, халос этиш деб ишлатган маъқул эди.

Шу муносабат билан таржима тўғрисида ўйлаб кетдим — раҳматлик Ғайбулла ас-Салом «таржима тили»даги бунақа бесўнақайликлар, ўзбек тилини бузишларга сира чидай олмасди. Домла вафот этгандан кейин бунақа таржимонлар учун «Сулаймон ўлиб, девлар қутулган» (ёки қутурган?) замон келди, шекилли, яна беписандлик, пала-партишлилик кенг томир ёя бошлади. Мен бу ўринда ҳам ҳаммаёқни мисоллар билан тўлдириб ташламоқчи эмасман. Фақат таржимон укаларимни огоҳ қилмоқчиманки, сўзма-сўз тўғри таржима қилинган матн ҳам ҳамма вақт ўзбек тилининг табиатига мос келавермайди. Масалан, «С чем пришёл?» деган иборани «қайси шамоллар учирди?» ёки «қандай хабар келтирдинг?» деб таржима қилиш мумкиндир, лекин «Нима билан келдинг?» деб таржима қилиб бўлмайди. Бунақа мисоллар жуда кўп. Таржимон ўз тилининг руҳини ҳис қилибгина тўғри таржима қилмоғи мумкин. Ҳозирги адабий тилимизда, оммавий ахборот воситалари ва айниқса, телевидение тилида бир қатор нуқсонлар мавжудки, булар тўғрисида гапирмасликнинг мутлақо имкони йўқ.

Бир вақтлар устоз Абдулла Қаҳҳор «Эзмаликлар ичида энг ёмони адабий эзмаликдир» деган эди. Кўпчиликка мурожаат қилишга ўзини ҳақли деб билар экан, албатта, ёзгани ёки гапираётган гапини назорат қила билиши, уларни ортиқчаликлардан халос эта билмоғи, ҳар қандай маънони имкони бор қадар ихчам шаклда, тежамкорлик билан ифода этмоққа интилмоғи лозим. Ҳаммага маълум нарсаларни қайта-қайта гапиравериш шунчаки дидсизлик эмас, айни чоқда тингловчига ҳурматсизлик ҳамдир.

Мен Абдуқаҳҳор Иброҳимовни ҳурмат қиламан. Фикрлайдиган, унча-мунча дадил фикрларни айтишдан чўчимайдиган адиб. Ҳозир ҳам у фаол ижод қилишда давом этмоқда. Бироқ унинг сўнгги китобида тежамкорликка риоя қилинмай ёзилган ғализ жумлаларни учратиб, хурсанд бўлганим йўқ, албатта. Масалан, у «Миллат овози» китобида ёзади: «Ҳар қандай ғаразсиз, ҳеч бир таъна кутмай, юракдан — холисонлилло бир ишга киришсангиз, жаҳду жадал қилсангиз, унча-мунча нарсалар тўсиқ бўлолмас экан».

Аслида шу жумла «бир ишга холисонилло киришсангиз, унча-мунча нарса тўсиқ бўлолмас экан» деган шаклда бўлса, тузукроқ бўлармиди? Албатта, муаллиф «менинг услубим шунақа, сиз ортиқча деган ибораларда ҳам ниманидир таъкидламоқчи бўлганман» деб эътироз билдириши мумкин. Лекин раҳматли Асқад Мухтор лутф қилганидек, «общий гаплар жонга тегди, конкретнийдан гапур» деган гаплар ҳам бор. Менинг илмий раҳбарим нимаики ёзсанг «возьми быка зарога» деб, яъни гапнинг индаллосини айт, деб уқтирарди. Ўшандан бери шунга амал қилишга уринаман. Ҳар ҳолда, имоним комилки, ихчамлик, мухтасарлик, тежамкорлик шу пайтга қадар ҳеч кимга панд берган эмас.

Афсуски, ТВда ҳам ҳар хил эшиттиришда «пахта-иқтисодиётимизнинг асоси», «Саломатлик-инсоннинг бойлиги», қабилидаги ҳаммага маълум бўлган сийқа гапларни юзлаб марта такрорлайдиган, ҳар бир хабар ёки эшиттириш бошида «бисмилло» ўрнида ишлатадиган журналистларимиз одамларнинг ва ТВнинг қимматли вақтини ўғирлаётганларини сезмасмикинлар?

Сўнгги йилларда тилимизда яна бир нуқсон илдиз отиб бормоқда. Журналистлар ўз нутқларини турли-туман мақоллар ва фразеологик иборалар билан безашга интилишади. Бу жуда яхши, албатта. Бироқ уларнинг бир қисми мақолларни етарли билмаганиданми, уни қидириш машаққатидан қочибми, мақол ёки иборани ўзи тўқиб чиқаради-да, халқ номидан ишлатиб юбораверади. Бундай қилганида ҳатто гуноҳининг узри учун халққа бир жуфт куллуқ қилиб қўйишни ҳам унутмайди. Масалан, у жумлани «доно (ёки донишманд) халқимиз айтганидек...» деб бошлайди ва ўзи тўқиган бирон бемаза-бематра иборани қўллайди. Масалан, бир куни ТВда «ғалласи бор уйнинг алласи бор» деган «мақол» ишлатилди. Буни эшитган одамнинг энсаси қотмай иложи йўқ — чунки халқда бунақа мақол йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки у жуда саёз, мантиқсиз, ясама нарса. Дарҳақиқат, ғалланинг аллага нима алоқаси бор? Омборда ғалла бўлса, болага алла айтилади-ю, ғалла бўлмаса, айтилмайдими? Ёки нима учун айни «алласи»? Нима учун «калласи» ёки «ялласи» эмас. Икки пулга қиммат ибораларни тўқиб чиқариб, уни халқ номидан «пуллаш» бу нафақат муаллифнинг билимлари ғоятда ғариблигидан далолатдир, айни чоқда ўз халқига, ўз она тилига ҳурматсизлик ҳамдир. Бу воқеа менга қаллобликнинг бошқа бир турини эслатди — айрим фирибгарлар уйларида шим ёки кўйлакми тикадилар-да, унга бирон-бир донғи дунёга кетган фирманинг белгисини ёпиштириб, бозорга олиб чиқадилар. Бироқ бу — жиноят-ку!

Айрим журналистлар халқ ибораларини тузукроқ билмаган ҳолда, шунақа пала-партишлик билан қўллайдиларки, уларни эшитиб ёқа ушлашдан бошқа иложинг қолмайди. Бир куни ТВда «Қизлар давраси»да бошловчи қиз «Тошкент гўзаллари» билан таништирар экан, уларни таърифлашда, ўзича халқ иборасини қўллаган бўлиб шундай деди: «булар «ой деса оғзи бор, кун деса қулоғидан кўринадиган қизлар». Аслида — «ой деса юзи бор, кун деса кўзи бор» бўлиши керак эди.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

*(Давоми. Боши олдинги сонларда.)*

*(Давоми бор.)*

## БАЙРАМГА ТУҲФА

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 11 йиллиги арафасида Навоий вилоят марказидан 350 км. узоқликда жойлашган Томди туманидаги 20-ўрта мактабнинг 420 ўринли замонавий янги биноси фойдаланишга топширилди. Қурилишда вилоят «Саноатмонтаж» бунёдкорлари 510 миллион сўмлик иш бажардилар. Синф хоналар жиҳози учун 38,6 миллион сўмлик ўқув қуроллари келтирилди. Эндиликда замонавий спорт зали, маънавият ва маърифат, компьютер ҳамда лингафон хоналари, шинамгина кутубхона ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

Мактаб янги биносининг байрам арафасида топширилиши томдиликлар учун муносиб туҳфа бўлди.

**Ўткир ПЎЛАТ**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 9 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 718,42 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1684,53 |
| 1 Дания кронаси | 158,88 |
| 1 БАА дирҳами | 266,35 |
| 1 АҚШ доллари | 978,24 |
| 1 Миср фунти | 159,06 |
| 1 Исландия кронаси | 13,21 |
| 1 Канада доллари | 745,78 |
| 1 Хитой юани | 118,19 |
| 1 Малайзия ринггити | 257,47 |
| 1 Польша злотийси | 255,62 |
| 1 СДР | 1422,98 |
| 1000 Туркия лираси | 0,67 |
| 1 Швейцария франки | 758,91 |
| 1 ЕВРО | 1181,71 |
| 10 Жанубий Корея вони | 8,20 |
| 10 Япония иенаси | 90,36 |
| 1 Россия рубли | 32,94 |
| 1 Украина гривнаси | 183,47 |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**


«ҚИЗИЛҚУМНОДИРМЕТАЛЛОЛТИН»

Давлат концернига қарашли
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ жамоаси
Ўзбекистон халқини мамлакат
КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИ
шодиёналари билан табриклаётганидан беҳад мамнун.

«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати бугунги кунда Қизилқум бойликларини ўзлаштириш бўйича кўп тармоқли, янги технологияларга эга қудратли комплексга айланган. У мустақил Ўзбекистон саноатининг байроқдори ҳисобланади.




Дунёда ўз ўрнига эга бўлган комбинатимиз бугунги кунда 80 дан ортиқ хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилади. Шунга аминмизки, Навоий кон-металлургия комбинати бугун ва келажакда кончилик ҳамда уни қайта ишлаш саноатининг етакчиси, мамлакатимизнинг фахрига айланиб қолаверади.

Халқ манфаатлари йўлида ислоҳотларни давом эттириш учун шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий асослар Бош Қомусимизда ўз ифодасини топганлиги бунга кенг имкониятлар яратади.





# «АСАКА» БАНК — ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар авваламбор давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий қудратини янада юксалтиришга ва бу орқали халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Республикамиз ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотлар дастурининг босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилиши натижасида, мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда, барқарор ва самарали ишловчи банк тизими ўзига хос ўрин тутади.

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки жамоаси ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиб, ўзининг салмоқли улушини қўшмоқда ва бу банк фаолиятининг барча жабҳаларида ўз аксини топмоқда. Ҳозирги вақтда банк жадал ривожланаётган йирик кредит муассасаси сифатида ташқи ва ички бозорда етакчи ўринларни эгаллаш бўйича аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият юритмоқда. Асосий эътибор банк молиявий қудратини оширишга, мижозларга турли банк хизматларини таклиф этган ҳолда олий даражада хизмат кўрсатишга, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилмоқда.

Ҳар қандай мижоз учун банк яратадиган қулай муҳит, унинг тижорат фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, банк хизматларига бўлган талабини қондирувчи шароитлар муҳим ҳисобланади.

Шу ўринда банк кўрсатаётган хизмат турларидан мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторини ривожлантиришга қаратилган кредит амалиётларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда «Асака» банк томонидан кредит сиёсати ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосий эътибор саноатни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилиши кўзда тутилган. Ўрта ва кичик бизнес секторини юксалтириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий қилиш ва реал секторни кредитлаш, «Асака» банкнинг устувор стратегик ривожланиш дастурининг пойдевори, жамиятда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашда асосий омил бўла олади.

Мазкур сиёсатни амалга тадбиқ қилиб, ўтган 10 ой мобайнида банк кредит портфели ҳажми 41,7 млрд. сўмга ёки 28,9%га ўсди ва 186,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Бунда банк маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялашга, қишлоқ жойларда инфратузилма ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кўзлаган ҳолда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган, атроф-муҳитни ўзгаришига салбий таъсири бўлмаган, қўшимча иш жойларини яратиш учун мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришга катта эътибор бермоқда.

Кредит портфелида иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган кредитлар салмоғи қуйидагича: саноат (асосан автомобилсозлик, фармацевтика, енгил саноат соҳалари бўйича) 72,9%, қишлоқ хўжалиги 1,73%, транспорт ва алоқа 4,4%, қурилиш 3,7%, савдо ва умумий овқатланиш 2,9%, маиший хизмат 2,1% ва бошқа тармоқлар 11,8%.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг иқтисодиётни кичик ва ўрта бизнес секторини янада ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, банк ўз кредит сиёсатида кичик ва ўрта бизнес секторига қўшимча миқдорда кредит маблағлари йўналтиришни белгилади.

Банк томонидан 2003 йил 10 ой мобайнида кичик ва ўрта бизнес субъектларига миллий валютада жами 13 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди, шу жумладан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 12,35 млрд. сўм ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 650 млн. сўм.

2003 йил 1 ноябрь ҳолатига кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи 15,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан 14,1 млрд. сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ва 1,3 млрд. сўми бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидандир.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳисобот даври мобайнида 768 млн. сўм миқдорида микрокредитлар берилди ва 2003 йил 1 ноябрь ҳолатига ажратилган микрокредитлар қолдиғи 2,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банк томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўлаб-қувватлаш натижасида янгидан 2188 ишчи ўринлари яратилди ва жами яратилган ишчи ўринлари сони 8126 тага етди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорига асосан Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси тузиш тартиби ва ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитларнинг фоиз миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи даражасида белгиланган ва ҳозирги кунда йилига 10 фоизни ташкил этмоқда.

Жамғарма маблағлари, банк томонидан фойданинг 25 фоизи миқдоридаги ажратмалар ҳисобига шаклланмоқда ва 2003 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 4,1 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу жамғарма маблағлари тўлалигича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Бу эса тадбиркорларнинг ўз фаолиятини бошлаш ва ривожлантиришлари учун замин яратади. Ўтган даврда банк фойдасидан 1,1 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар махсус имтиёзли кредитлаш жамғармасига йўналтирилди ва 2003 йил 1 ноябрь ҳолатига жамғарма миқдори 4 081,7 млн. сўмни ташкил қилди. Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармасидан ҳисобот даврида 275 млн. сўм миқдорида имтиёзли фоизларда кредитлар ажратилди ва 2003 йил 1 ноябрь ҳолатига кредитлар қолдиғи 1,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар. деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзларини бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли қарорида тадбиркорлик фаолиятини бошлашга қадам қўйган юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига «Бизнес-фонд», «Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш» жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали бошланғич сармояларни берилиши белгиланди. Бунинг натижасида ўз фаолиятини бошлаш учун дастлабки маблағга эга бўлмаган тадбиркорларга амалий ёрдам беришга имкон туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қошида ташкил этилган Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб жамғармаси ресурслари ҳисобидан Фарғона, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги 215 нафар деҳқон ва фермер хўжаликларига 2003 йил ҳосилини бўнаклаш учун жами 369,1 млн. сўм, шу жумладан пахта ҳосили учун 318,7 млн. сўм ва ғалла ҳосили учун 50,4 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

2003 йил 1 ноябрь ҳолатига кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга халқаро молия институтларининг 4 та кредит линиялари маблағлари жалб этилган: ЕТТБ — 30 млн. АҚШ доллари, ХМК — 10 млн. АҚШ доллари, ХМКнинг 2-кредит линияси — 5 млн. АҚШ доллари ва ОТБ — 15 млн. АҚШ доллари.

Ҳисобот даврида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан 16,6 млн. АҚШ доллари миқдорида 11 та лойиҳа ва 5,2 млн. евро миқдорида 3 та лойиҳа молиялаштирилди.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк ўз маблағларидан жадал фойдаланганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Жумладан, 2003 йил 10 ой мобайнида умумий суммаси 14,3 млн. АҚШ доллари ва 1,8 млн. еврога тенг бўлган бир қатор лойиҳалар маъқулланди ва молиялаштирилди. Бундан ташқари банк томонидан 15 та лойиҳа кредит қўмитаси томонидан маъқулланган бўлиб, уларни молиялаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда, банк томонидан 70 дан зиёд экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари хорижий валютада молиялаштирилган. Бунинг натижасида, шу йилнинг ўтган даврида, «Қоракўлтекс» — 900,2 минг АҚШ доллари, «Сарбонтекс» — 890,1 минг АҚШ доллари, «Корфармсаноат» — 309,7 минг АҚШ доллари, «Олоттекс» қўшма корхонаси — 215,6 минг АҚШ доллари миқдорида ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспорт қилишга эришган.

Бир қатор лойиҳаларда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Улар жумласига махсус пойафзал ишлаб чиқарувчи «Висо» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси, пластмасса қувурлари ишлаб чиқарувчи «Джанпласт» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси, мармар ва гранит плиталари чиқарувчи «Осиё-Гранит» масъулияти чекланган жамияти, замонавий материаллардан эшик ва дераза профиллари чиқарувчи «BIG» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси ҳамда турли дори-дармонлар ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Корфармсаноат», «Сарбонтекс», «Ўзхимфарм», «Медгласс», «Узмедкоттон» корхоналари киради.

Банк маблағларининг катта қисми асосий бойлигимиз бўлган пахта хомашёсини қайта ишлашга ва ундан тайёр маҳсулот чиқаришга мўлжалланган корхоналар фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган. Бундай корхоналар қаторига Бухородаги «Қоракўлтекс» ва «Олоттекс», Хоразмдаги «Унихо», Қашқадарёдаги «Яккабоғтекс», Сурхондарёдаги «Сурхонтекс», Намангандаги «Исковуттекс» қўшма корхоналари киради. Мисол учун, «Қоракўлтекс» қўшма корхонасида биринчи лойиҳа бўйича пахта толасидан 2500 тонна калава ипи ишлаб чиқарилиши муваффақиятли амалга оширилгандан кейин, иккинчи лойиҳа бўйича ушбу калава ипидан 1200 тонна мато ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, банк томонидан қишлоқ хўжалиги бошқа маҳсулотларини ҳам қайта ишлашга ва тайёр маҳсулот чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Маҳаллий маҳсулотлардан турли хилдаги мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи «Эл-Кол» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ва «Қува-консерва» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

Кредитлар иқтисодиётнинг тўқимачилик, фармацевтика, алоқа ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Лойиҳаларни молиялаштириш натижасида янгидан 1150 иш жойи ташкил қилинади, корхоналар тўлиқ фойдаланишга топширилгандан сўнг йилига товар айланиши 69,8 млн. АҚШ доллари миқдорида, жумладан экспорт ҳажми 31,6 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлиши режалаштирилган.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига қулайлик яратиш, узоғини яқин қилиш мақсадида, мижозлар билан ўзаро муносабатларни энг мақбул ўзанга солиш мақсадида ДАТ «Асака» банкининг 19 та мини-банки республикамиз ҳудудларида фаолият кўрсатмоқда. Мини-банклар тармоғининг кўпайиши олис ҳудудлардаги аҳоли ва тадбиркорларни банк хизматларига яқинлаштиради, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш имкониятини кенгайтиради. Бу эса ўз навбатида кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини ошириш учун ресурс базасини кенгайтиришга асос бўлади.

Банк бундан кейин ҳам ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ўзининг стратегик режасига биноан фаолиятини давом эттириб, республикамиз иқтисодиёти юқори чўққиларни забт этишига муносиб ҳиссасини қўшиб боради.

**«Асака» банк**
**Матбуот хизмати** [t]

«NAVOIYAZOT»



ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ
бунёдкор Ўзбекистон халқини Бош Қомусимиз —
КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 11 ЙИЛЛИГИ
шодиёнаси билан чин дилдан муборакбод этади.







*Халқ манфаатлари йўлида ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган ҳуқуқий асослар Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган. Шу боис меҳнат жамоамиз ривожланишнинг энг мақбул ва самарали йўлларидан илгарилаб бормоқда. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари, минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва бошқа маҳсулотлар жаҳон андозаларига мос сертификат ва сифат кўрсаткичига эгалиги учун давлатлараро эътироф топмоқда.*





Эртамиз бугундан-да саодатли бўлишига шак-шубҳа йўқ.

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАБ

☑ **Ўзбекистон ХДП Бухоро туман кенгаши** тантанали йиғилиш ўтказди. Унда вилоят партия кенгаши котиби Б.Муҳиддинов, «Галаосиё овози» газетаси муҳаррири Б.Ражабов, ХДП фаолларидан Ҳ.Асадов, Х.Султонова ва бошқалар сўзга чиқиб, Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги аҳамияти тўғрисида гапирдилар. Шунингдек, тадбирда туман партия ташкилоти биринчи котиби С.Жўраева истиқлолимиз байрами муносабати билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган Ғ.Бобоевга Марказий Кенгашнинг табрик хатини топширди.

☑ **Қамаши туман партия кенгаши** ташаббуси билан ўтказилган «давра суҳбати» ҳам мазкур санага бағишланди. Партия фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирни туман партия кенгаши биринчи котиби Ш.Бердиев олиб борди. Жиноят ишлари бўйича туман судининг раиси Р.Бекназаров, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари раҳбарлари Л.Саодатова, Э.Аҳмедов, Б.Шодиев, 1-гимназия директори О.Салаевалар мамлакатимиз Асосий Қонунида ўз ифодасини топган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шунингдек, Конституцияни ўрганиш ишларини такомиллаштириш масалалари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

☑ **Партия Наманган туман кенгаши** «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари билан биргаликда «Ҳуқуқий билим – миллат тарбиясининг муҳим қирраси» мавзуида мулоқот уюштирди.

☑ **ХДП Уйчи туман кенгаши** байрам арафасида боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар, ХДП фахрийлари ҳолидан хабар олиб, уларга моддий ёрдам беришни ташкил қилди.

☑ **Пахтаобод тумани**даги 31-шаҳобча кутубхона негизида 20, 22, 39-мактаблар ўқувчилари ўртасида «Қомусимиз – фахримиз!» кўрик танлови ўтказилиб, ғолиблар партия кенгашининг совғаларига сазовор бўлдилар.

Мазкур санага бағишлаб, **ХДП Андижон, Асака шаҳар, Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Шаҳрихон, Марҳамат туман кенгашлари**да ҳам турли тадбирлар бўлиб ўтди.

☑ **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши** ва «Семурғ» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Конституция ва сиёсий партиялар» номли тадбир ўтказилди. Унда сиёсий партиялар, хусусан ЎзХДП ҳаётида Ўзбекистон Конституциясининг аҳамияти ва алоҳида ўрни ҳақида сўз борди. Жамғарма раисининг ўринбосари М.Тоштемиров ўз маърузасида ННТларнинг ўрни, улар билан ўрнатиладиган ҳамкорлик тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, тадбирда вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов сўзга чиқди.

☑ **Бўстонлик туман** халқ таълими бўлимида «Конституция — бахтимиз қомуси» номли маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби Конституциямизнинг инсон ҳуқуқларига оид муҳим жиҳатлари ҳақида гапирди. Тадбир якунида туман халқ таълими бўлими мудири Комилжон Нишоновга, унинг номи ХДП вилоят кенгаши «Эҳтиром китоби»га киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома топширилди.

☑ **Партия Навоий вилоят кегаши** ҳам Конституциянинг 11 йиллигига бағишлаб, «Мустақиллик қомуси» мавзуидаги давра суҳбатини ташкил қилди.

### ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДАН

☑ **Ўзбекистон ХДП Бўз туман кенгаши**нинг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Асатилла Қодиров мазкур туман партия ташкилотининг етакчиси этиб сайланди.

☑ **ЎзХДП Вобкент туман кенгаши**да ҳудудий, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, ХДП марказий нашрларига ўтказилаётган обуна ишларини жадаллаштириш ҳамда партия кенгаши ҳаётига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди. Туман партия кенгаши биринчи котиби Т.Авезов Олий Мажлиснинг XIII сессияси муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган масалалар тўғрисида сўзлаб, йиғилганлар диққатини партия ташкилотларининг шу соҳалардаги долзарб вазифаларига тортди.

☑ **Учқўрғон туман партия кенгаши**нинг йиғилишида ҳам мазкур масалалар муҳокама қилиниб, БПТ етакчилари учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

☑ **ЎзХДП Наманган туман кенгаши** ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилаётган сайловларни ташкил қилишда фаол иштирок этмоқда. Белгиланган тадбирлар режаси асосида ХДП аъзолари маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолиятига доир таклиф ва мулоҳазалар билан чиқмоқдалар.

☑ **Андижон шаҳри**даги 2508, 2511-сонли автосаройлар ва 162, 163-автокорхоналарда транспортчиларнинг касб байрамига бағишлаб ўтказилган тадбирларда шаҳар партия кенгаши ҳам алоҳида фаоллик кўрсатди. Мазкур соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган ишчи-ходимлар, фахрийлар партия ташкилотининг қимматбаҳо совғалари ва Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Шунингдек, 27-автосаройда 40 йилдан буён ишлаб келаётган Зокир ҳожи отанинг 60 йиллик юбилей кечаси нишонланди. Унда меҳнат фахрийсининг ибратли ҳаёт йўли ҳақида дўстлари ва шогирдлари сўзладилар. Тадбир ниҳоясида автосаройнинг 4 нафар ходимига ХДПга аъзолик билетлари топширилди.

☑ **ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши** ва Қорақалпоғистон Республикаси «Доимий ривожланиш» жамғармаси ҳамкорликда бир гуруҳ қариялар, хотин-қизлар ҳамда ёшлар иштирокида «бир пиёла чой» устида мароқли суҳбат уюштирдилар. Йиғилганлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, маҳаллаларда амалга оширилган маданий-маърифий, тарбиявий, ободонлаштириш ишлари хусусида суҳбатлашдилар. Қорақалпоғистон республика партия кенгаши котиби вазифасини бажарувчи А.Ибодуллаев тадбир қатнашчиларига ХДП ҳаёти, партия кенгаши фаолияти ҳақида гапириб берди.

☑ Ногиронлар куни муносабати билан **партия Чуст туман кенгаши** томонидан ногирон кишилар яшаётган хонадонларга йўқлов уюштирилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

☑ **Бўстонлиқ туман партия кенгаши** «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими билан биргаликда «Ногиронлар куни» муносабати билан кўпгина хонадонларда бўлиб, кўнгли ярим фуқароларнинг ҳолидан хабар олдилар.

# ОЛМАЛИҚ ТОҒ-МАЪДАНЧИЛИК ТЕХНИКУМИ — КОМПЬЮТЕР-АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖ ЖАМОАСИ

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Бош Қомуси қабул қилинган кун муносабати билан Ўзбекистон халқини, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент вилояти ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ходимларини, барча халқ таълими соҳасида фаолият юритувчи ходимларни самимий муборакбод этади.**





## КОЛЛЕЖДА БАЙРАМ ТАДБИРИ

*Олмалиқ тоғ-маъданчилик техникуми — компьютер-ахборот технологияси касб-ҳунар коллежида 8 декабрь — Конституция куни арафасида «Талаба — 2003» катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбир аввалида Халқаро инсон ҳуқуқлари жамияти вице президенти, академик Марат Зоҳидов сўзга чиқиб талабаларни ушбу қўшалоқ байрам билан табриклади ҳамда талабалик масъулияти, Конституциянинг ҳаётимизда тутган аҳамияти ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан ибратли маҳалла — «Олмалиқсой» маҳалласи оқсоқоли, Олмалиқ шаҳар прокуратураси, «Камолот» ЁИҲ вакиллари ҳам талабаларнинг кейинги ўқишларига муваффақиятлар тилади.*

*1-курс талабалари талабалик қасамёдини қабул қилдилар. Коллеж директори Манзура Мавлонова талабаларга билимлар рамзий калитини топширди. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Олмалиқ туман кенгаши раҳбари М.Юлдашхўжаева байрам билан қутлаб, коллежга жамғарманинг совға-саломларини топширди. Олмалиқ шаҳар рус маданият маркази директори Светлана Иерусалинцова Россия элчихонаси томонидан тақдим этилган китоблар ва аудио кассеталарни коллеж кутубхонасига тақдим этди.*


## РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ҒАЛЛАБАНК» БОШҚАРУВИ ВА ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини 8 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан қутлайди.

*Ўз даромадларини кўпайтириш истагида бўлган мустақил юртимиз фуқоролари ва меҳмонларига қуйидаги омонат турларини таклиф этади:*

**«ҲАМКОРЛИК» ОМОНАТ ТУРИ**

*Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой.*
*Қўйилган омонат учун йиллик 42 фоиз миқдорида устама ҳисобланиб, олдиндан тўлаб берилади.*
*Омонатнинг энг кам миқдори 10000 (ўн минг) сўм бўлиб, юқори чегараси белгиланмаган.*

**«ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА» ОМОНАТ ТУРИ**

*Омонатлар бўйича фоизлар олдиндан тўлаб берилади.*
*Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, йиллик 42 фоиз миқдорида устама тўланади.*
*Омонатнинг энг кам миқдори 10000 (ўн минг) сўм, юқори чегараси эса белгиланмаган.*
*Банкда омонатчи тўғрисида ҳеч қандай маълумот сақланмайди.*
*Омонатга қабул қилинган маблағ омонат дафтарчасини тақдим этган омонатчига тўлаб берилади.*

**«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!**






## «ТОШКЕНТ» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — КОНСТИТУЦИЯ КУНИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!**








### ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ:
## ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига дадил интеграциялашуви жараёнида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг дунёдаги етакчи ва йирик матбуот органлари билан ўрнатаётган ҳамкорлик алоқалари алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий салоҳияти ҳамда сармоявий муҳити ва имкониятлари ҳақида чет элларга холис ахборот етказиш вазифаси доимо долзарбдир.

Ана шундай муштарак манфаатлар замирида Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва Япониянинг энг оммавий жамоат телерадиокомпанияси – «NHK»нинг телевизион ахборот хизматлари ўзаро видеоматериаллар алмашувини доимий йўлга қўйиш бўйича аҳдлашиб олишди. Ушбу аҳдлашувнинг ҳаётга татбиқ этилиши сари илк қадам ҳам қўйилди. Яқинда «NHK»нинг тонгги янгиликлар дастурида «Ахборот» дирекцияси томонидан тайёрланган видеолавҳа сунъий йўлдош орқали юборилиб, бутун Япония ҳудудида намойиш этилди.

Мазкур лавҳада шу йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё ривожланиш банкининг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик анжумани ҳақида атрофлича ҳикоя қилинди.

«NHK» компаниясининг Янгиликлар департаменти ходими К.Гондаранинг эътироф этишича, ЎзТВ билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу Япония жамоатчилигини Ўзбекистонда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, хусусан, ислоҳотлар жараёнидан кенг воқиф этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» дирекциясидан хабар беришларича, дастлабки келишувга биноан ўрнатилган телеахборот хизматларининг амалий алоқалари икки мамлакат телерадиокомпанияларининг кўп қиррали шерикчилигини белгиловчи шартноманинг муқаддимасидир.

**Б.АЛИМОВ,**
**«Жаҳон»АА,**
**Токио.**

# XORIJDA

## РАСМИЙ ТАШРИФ ҚОЛДИРИЛДИ

Литва Президентининг матбуот хизмати тарқатган манбаларга асосланиб «Новости» агентлиги хабар беришича, Президент Роландас Паксаснинг АҚШга расмий ташрифи номаълум муддатга қолдирилди. Ҳозирча унинг сабаблари ҳақида ҳеч нарса дейилмаяпти.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Антанас Валениснинг таъкидлашича, Президент ташрифининг қолдирилиши Литванинг ташқи сиёсатига кўп ҳам таъсир этмаса-да, лекин унинг фаолиятини чеклаш ташқи сиёсат бобида барибир мураккабликларни келтириб чиқаради.

Президентни мафияга алоқадорликда айблаш ва импичмент эълон қилишга тайёргарлик кўриш бўйича яқинда махсус ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу махсус гуруҳнинг биринчи йиғилишидан сўнг унинг аъзолари Роландас Паксас мамлакат Конституциясига риоя этмаганликда ва ўз қасамёдини бузганликда айбланиши мумкинлиги ҳақида баёнот бердилар.

Айблов хулосаси кейинги ҳафтада тайёрланади. Шундан сўнг сейм (парламент) импичментни бошлаш бўйича имзо йиғади. Бунинг учун 36 нафар депутатнинг имзоси керак. Президентни лавозимдан бўшатиш учун эса сеймнинг 85 аъзоси овоз бериши шарт.

**Шарҳловчи минбари**

## ГРУЗИЯ:
# ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШГА ҚАРАТИЛГАН

Бугунги кунда Грузияда асосий эътибор президентлик ва парламент сайловларини ўтказишга қаратилган. Шунинг учун ҳам Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)га аъзо бир қатор давлатлар — Нидерландия, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Туркия, АҚШ ва Канада Грузияда президент ва парламент сайловларини ўтказиш учун 6,5 миллион доллар атрофида маблағ ажратадиган бўлди. Бундай қарор Голландиянинг Маастрихт шаҳрида бўлган ЕХҲТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг 11-мажлисида қабул қилинди.

Мазкур мажлисда қатнашган Грузиянинг Президенти вазифасини бажарувчи Нино Буржанадзе уларга қўллаб-қувватлагани учун миннатдорчилик билдирди ва Президент ҳамда парламент сайловларини бир вақтнинг ўзида ўтказиш тарафдори эканини билдирди. Бироқ, — дейилади «Интерфакс» ахборотида, — Нино Буржанадзенинг сўзларига қараганда, ЕХҲТ қонунчилик органига сайловларни бироз кечроққа суришни маслаҳат берган.

«Мамлакатда эркин ва адолатли сайловларни таъминлаш зарурият эканлигини жуда яхши тушунамиз. Парламентга сайловни келгуси йил апрель ёки майда ўтказишимиз ҳам мумкин, аммо буни олдинроқ бошлаганимиз маъқул», деди Нино Буржанадзе.

Мамлакатда президентлик сайловини ўтказиш келгуси йил 4 январга белгиланган.

Республика Марказий сайлов комиссияси (МСК)нинг маълумотларига кўра, президентликка даъвогар 13 нафар номзоддан ариза тушган. Кузатувчиларнинг фикрича, муваффақиятга эришиш учун «Миллий ҳаракат» ҳамда «Буржанадзе — демократлар» блокларидан кўрсатилган ягона номзод Михаил Саакашвили ва собиқ Президентнинг Имерети ҳудуди бўйича ваколатли вакили, Имеретининг экс-губернатори Теймураз Шашиашвили, шунингдек, агар номзодини МСК қабул қилса мамлакат хавфсизлик хизматининг собиқ раҳбари Игор Георгадзеларда имконият катта. Лекин Марказий сайлов комиссияси худди аввалгидек (2 ноябрдаги парламент сайловидан олдин) Игор Георгадзе номзодини яна рад этиши мумкин. Ўшанда МСК Георгадзе кейинги 2 йил ичида мамлакатда яшамаганлигини сабаб қилиб кўрсатган эди. Аммо Грузия оммавий ахборот воситаларида ёзишларича, бу сафар Георгадзе 8 йилдан бери Абхазияда яшаётганлиги ҳақида МСКга маълумотнома тақдим этган.

Эслатиб ўтамиз: Георгадзе 1995 йил 29 августда Эдуард Шеварднадзега суиқасд уюштиришни ташкиллаштирганликда айбланган ва ўшандан бери Интерпол қидирувида.

«Коммерсант» газетасининг хабар беришича, Ғарбий Грузияда уни қўллаб-қувватловчилар кўп. Жумладан, «Ватан» партияси унинг мамлакатга қайтиши ва президент сайловида иштирок этишига рухсат беришлари учун 50 мингта имзо йиққан.

55 давлатни ўзига жамлаган ЕХҲТ президентлик сайловига 480 нафар кузатувчи жўнатишни мўлжаллаб турибди.

Келгуси йил 4 январь куни бўладиган сайловда ғалабага эришган янги Президентнинг лавозимни қабул қилиб олиш тантанали маросимини ўтказиш 25 январга белгиланган.

Дарвоқе, шу куни мамлакатнинг собиқ экс-Президенти Эдуард Шеварднадзенинг туғилган куни. У 76 ёшга тўлади. Бироқ, тантанали маросим атайин шу кунга белгиланмаган. Бу шунчаки тасодиф. Грузия Конституциясига кўра, сайловдан сўнг роппа-роса 3 ҳафта ўтгач, президентлик лавозимини қабул қилиб олиш тантанали маросими ўтказилиши лозим. Шу куни у қасамёд қабул қилади ва ўз дастури билан барчани таништиради.

Агар номзодлардан бирортаси 50 фоиздан ортиқ овоз ололмаган бўлса, сайловнинг иккинчи тури ўтказилиши шарт. Иккинчи тур эса икки ҳафтадан кейин ўтказилади.

ИТАР-ТАСС берган хабарга кўра, бу кун 18 январга тўғри келади. Демак, агар иккинчи тур сайловини ўтказишга тўғри келса, у ҳолда президентликни қабул қилиб олиш тантанали маросими 8 февралга белгиланади.

Қисқаси, воқеалар ривожини вақт кўрсатади.

Грузиядаги аҳвол бўйича яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, шу кунларда мамлакат хавфсизлик хизмати кучайтирилган тартибда фаолият кўрсатмоқда. Бу тартиб чоршанба куни кечқурун давлат телевидениеси биносида содир этилган портлашдан сўнг жорий қилинди. Ўшанда ҳеч ким зарар кўрмади, фақат бино шикастланди. Ҳозир мазкур террорчилик акти юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Алимқул СУЛТОН**

## ИШ ТАШЛАДИЛАР

Эстонияда умумтаълим мактабларининг бир неча ўн минглаб ўқитувчилари иш ташлаши давом этмоқда. Бу умуммиллий иш ташлаш республика тарихида биринчи марта қайд этилган энг йирик норозиликдир. Ўқитувчилар маошлар оширилишини талаб қилмоқдалар.

Уларни қўллаб-қувватлаб мактабгача тарбия муассасалари ҳамда маданият соҳаси ходимлари ҳам норозилик намойишига келиб қўшилмоқдалар, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

## МУЗОКАРАЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ

Азов денгизи мақомини тартибга солиш бўйича янги шартнома варианти Россия томонидан Украинага ҳавола этилди.

Азов-Керч акваторияси (сув сатҳининг чекли бир қисми) бўйича битимнинг ҳар бир банди ўзаро келишиб олиниши лозим. Мазкур масала бўйича Россия — Украина музокараларининг навбатдаги босқичи Киевда ёпиқ эшиклар ортида бўлиб ўтди. Делегацияларга Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири ўринбосари Виктор Калюжний ҳамда Украина ташқи ишлар вазири ўринбосари Александр Моцик раҳбарлик қилди.

Россия бу борада сув юзасини умумий фойдаланишга қолдириб, унинг тубини бўлиш лозим, деб ҳисоблайди. Украина эса Азов денгизининг барча акваторияси делимитация қилиниши тарафдори, дейилади NewsInfo ахборотида.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

## «КИМОШДИ САВДОЛАРИ» АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ХАЛҚИМИЗНИ ЖОНАЖОН ОНА ВАТАНИМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙДИ, ШУ БИЛАН БИРГА ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**2004 йил 8, 15 январь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар, Бердақ гузарида жойлашган «Ўзгазлойиҳа» институтининг 2 қаватли бино ва мулклари.

**Бошланғич баҳоси — 11120000 сўм.**

2. Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Истиқлол» ширкат хўжалигида жойлашган 7-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (7-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 9082 АҚШ доллари.**

3. Қашқадарё вилояти, Миришкор туманида жойлашган 13-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (13-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 11558,8 АҚШ доллари.**

4. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Пролетар кўчасида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (4-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 8617 АҚШ доллари.**

5. Қашқадарё вилояти, Ғузор туманида жойлашган 5-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (5-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 7584 АҚШ доллари.**

6. Навоий вилояти, Зарафшон шаҳрида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (1-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 23078 АҚШ доллари.**

7. Навоий вилояти, Учқудуқ туманида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (1-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 5938,4 АҚШ доллари.**

8. Хоразм вилояти, Боғот тумани, Тинчлик кўчасида жойлашган 6-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (6-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси — 6602 АҚШ доллари.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни бой берманг!**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржаси ва «Кимошди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.

*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-, 8-хоналар.*
*Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.*
*Факс: 136-06-17*
*www.rkmb.expo.uz*
*Лицензия рақами: 000004*

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

# Ўзбекистон халқини 8 декабрь КОНСТИТУЦИЯ КУНИ билан муборакбод этади.

## УШБУ УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА БАРЧАГА ОИЛАВИЙ БАХТ, СОҒЛИК-САЛОМАТЛИК, ИСТИҚЛОЛНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ИШЛАРИДА КУЧ-ҚУВВАТ ТИЛАЙДИ.

*Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, ўтган қисқа муддат ичида Ўзбекистонда кенг иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Эндиликда Ўзбекистон дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Бизнинг «Чиноз тўқимачи» ЛТД, «Оқсарой тўқимачи» ЛТД ҳамда Чирчиқ шаҳрида бунёд қилинаётган «Бурсел - Тошкент - Текстиль» МЧЖ қўшма корхоналари ҳам мустақиллик шарофатидандир. Корхоналаримиз Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшаётгани билан фахрланамиз.*



Ўзбекистон асрлар оша мустақил ва бой давлат бўлиб яшнайверсин.

Барча-барчангизни ушбу шодиёна билан табриклар эканмиз, сизларга оилавий бахт, юртингизда доимо тинчлик ҳукм суришини тилаймиз.

BS BURSEL GROUP

